

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЛЬЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳукуқида
УДК:338:6.01:330.1 (575.1)

ДЖАЛИЛОВ АБДУМАЛИК АБДУАЗИЗОВИЧ

**МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ
ЎСИШНИ ПРОГНОЗЛАШ (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИСОЛИДА)**

5A 230103 – “Макроиқтисодиёт”

магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация

Илмий раҳбар

и.ф.д., проф. Махмудов Н.М.

ТОШКЕНТ – 2014 й.

Магистрлик диссертация ишининг 1-бобида иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иқтисодий ўсишни таъминлашнинг илмий назарий асослари ўз аксини топган. Диссертация ишининг 2-бобида Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг макроиктисодий тахлили ўз аксини топган. Магистрлик диссертация ишининг 3-бобида худудни Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини прогнозлаш ўз аксини топган. Хулосалар кисмида ҳам назарий ҳам амалий хулоса ва таклифлар берилган.

The first chapter of the dissertation of master degree is devoted the scientific practical bases of growing economics in economical modernization. The second chapter of the dissertation work is devoted the macro economical analysis of growing economics in Uzbekistan. In the third chapter of this work is devoted to prognoses the indicators of growing economics of the Republic of Uzbekistan. In conclusion part is given the practical and theoretical invitations

Магистрлик диссертация иши “Макроиктисодиёт” кафедрасида дастлабки
ҳимоядан ўтган.

_____ сонли баённома «_____» _____ 2014 йил.

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Махмудов Н.М.

Ф.И.Ш.

имзо

сана

Магистр: Джалилов А.А.

Ф.И.Ш.

имзо

сана

Ҳимояга рухсат этилади _____

“Макроиктисодиёт” кафедраси мудири

и.ф.н.. доц.. Аскарова М.Т.

“____” июнь 2014 йил.

Мундарижа

Кириш.....	3
1-боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иқтисодий ўсишни таъминлашнинг илмий назарий асослари.....	8
1.1 Иқтисодий ўсишнинг моҳияти, таркиби ва хисоблаш усуллари.....	8
1.2 Иқтисодий ўсиш моделлари тавсифи.....	21
1.3 Иқтисодий ўсишни прогнозлаш усуллари.....	44
1-боб бўйича хulosалар	49
2-боб. Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг макроиктисодий таҳлили.....	50
2.1 Ўзбекистон Республикасининг макроиктисодий қўрсаткичлар динамикаси таҳлили.....	50
2.2 Иқтисодий ўсишнинг сифат қўрсаткичлари таҳлили.....	57
2.3 Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш омилларини баҳолаш ва эконометрик моделлаштириш	61
2-боб бўйича хulosалар.....	67
3-боб. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ўсиш қўрсаткичларини прогнозлаш.....	70
3.1 Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ўсиш даражасини прогнозлаш.....	70
3.2 Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш омиллари....	76
3-боб бўйича хulosалар.....	83
Хулоса ва таклифлар.....	85
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	90
Иловалар.....	94

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарбилиги. Ҳар бир мамлакат макроиқтисодий барқарорликка эришишга интилади ва у давлат иқтисодий сиёсатининг устувор мақсади бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам ҳар йили асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ривожланиши барқарорлиги ва бу жараённи келажакда мустаҳкамлашга ўз эътиборини қаратган. Жумладан, мамлакатимиз томонидан иқтисодиётимизнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий вазифа ва устувор йўналишлари аввало бу соҳанинг юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлаш, бунинг учун мавжуд барча резерв ва имкониятларини сафарбар этиш борасида қабул қилинган стратегияни давом эттиришга қаратилганлиги юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир.¹

Мазкур вазифаларини амалга оширишда иқтисодий ўсиш омиллари ва жараёнларини таҳлил қилиш, уларда юзага келаётган муаммо ва қонуниятларни аниқлаш, ушбу кўрсаткичларнинг бир бири билан миқдорий боғланишини ўрганиш каби амалий масалалар билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида макроиқтисодий таҳлилда эконометрик усуслардан фойдаланиш зарурятини туғдиради. Шунингдек, мазкур жараёнлар кенгайтирилган ва чуқурлаштирилган эконометрик таҳлилни талаб қилиб, эконометрик усуслар орқали давлатнинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогноз моделларини тузиш, бу билан барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашга имкон беради.

Республика асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ўзгариш суръатларини доимий равища таҳлил қилиш, юзага келадиган муаммоларини самарали ечими йўлларини ишлаб чиқиш ва иқтисодиётда мавжуд номуттаносибликларини ўз вақтида бартаф этиш ҳамда ҳозирги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи 2014, 18 январ

кунда жаҳон иқтисодиёти барқарор эмаслиги, танланган тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқот объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг макроиқтисодий қўрсаткичлари динамикаси бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ўсишдаги ўзгаришлар, уларнинг макроиқтисодий моделлари ва эконометрик таҳлили билан боғлик бўлган ижтимоий – иқтисодий жараёнлар ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ўшиш омиллари ва ўшиш суръатларини тадқиқ этган ҳолда юзага келган макроиқтисодий муаммоларни ва мамлакат иқтисодиётининг келажакдаги ривожланиши бўйича самарали йўлларни илмий – амалий таклиф ва тавсияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот асосий масалалар ва фаразлар. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини макроиқтисодий мувозанат ва макроиқтисодий қўрсаткичлар динамикасини ўрганиш, иқтисодий ўшишни макроиқтисодий моделлаштириш, иқтисодий қўрсаткичлар ўртасидаги миқдорий боғлиқликларни ўрганиш, макроиқтисодий самарадорликни эконометрик усуллар асосида баҳолашдир.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Бугунги кунда узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўшишни таъминлаш, макроиқтисодий муаммоларни ва номуттаносибликларни олдиндан кўра билиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича илмий асосланган чора – тадбирларни ишлаб чиқишининг зарурлиги нафақат бир давлатнинг, балки, бутун дунё давлатларининг асосий макроиқтисодий вазифасига айланиб бораётганлиги ҳамда мазкур муаммо юзасидан ҳорижда ҳам самарали илмий изланишлар олиб бораётганлигини қўрсатиб беради. Жумладан, макроиқтисодий жараёнларни моделлаштириш ва прогнозлаш муаммолари билан хорижий малакат иқтисодчи олимлардан Ж. Кейнс, Р. Солоу, В. Леонтьев, Ж. Сакс, Р. Харрод, Ф. Модильянин, М. Фридман, С. Кузнец, П. Самуэльсон, Й. Шульц, Э. Хансен, Л. Вольрас, А. Маршал, А. Филипс, Р. Дорибуш ва С.

Фишерларнинг илмий изланишлари алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг тадқиқотлари айниқса, иқтисодий ўсиш динамикасини моделлашириш, макроиқтисодий индикаторларнинг ўзаро алоқадорлигини ифодалаш, тармоқлараро баланс муаммоларини тадқиқ этиш, макроиқтисодий самарадорликнинг эконометрик усуллар асосида баҳолаш билан ифодаланган.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида бошқа мамлакатлар каби республикамизда ҳам макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишга алҳида эътиборнинг мавжудлиги мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг бу соҳадаги илмий изланишлари предмети бўлиб келмоқда. Жумладан, акад., С.С. Ғуломов, проф., М.М. Ирматов, Т.Ш. Шодиев, Н.М. Махмудов, Б.Ю. Ходиев, А. Абдуғаффоров, А.М. Абдуллаев, Б.Т. Салимов, ва С.В. Чепелларнинг илмий изланишлари иқтисодий математик моделлашириш ва прогнозлаш масалаларига бағишлиланган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.
Диссертацияда ёритилган макроиқтисодий таҳлил усуллари ва эконометрик усуллар орқали иқтисодиётни таҳлил қилиш, ҳамда иқтисодий кўрсаткичларни прогнозлашдан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, прогноз натижалари ёрдамида мамлакатнинг ривожланиш даражасини белгилашда муҳим қарорларни қабул қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти, шундаки унда еавсия этилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини барқарор ўсиш суръатларига эришиш учун чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Макроиқтисодий таҳлил ва иқтисодий ўсиш моделлари”, “Макроиқтисодиёт” ва “Миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш стратегияси” ўқув курсларини ўқитишида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

- Ўзбекистонда узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг шартлари ва макроиқтисодий моделларига асосланди;
- Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг эконометрик моделлари асосида макроиқтисодий омилларнинг умумий самарадорлиги баҳоланди;
- Ўзбекистонда асосий макроиқтисодий ўсиш омилларининг бир – бирига таъсири аниқланди;
- Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган макроиқтисодий кўрсаткичларининг бир омилли эконометрик моделлари ишлаб чиқилди;
- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти қисқа ва ўрта муддатда прогонзлаштирилди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдалинилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация асосий қисмининг ҳажми 97 бетдан иборат бўлиб, жумладан у 10 та расм, 8 жадвал, 7 моделларни ўз ичига олган.

Диссертация ишининг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, предмети, услугубий асослари, илмий янгиликлар ҳамда амалий аҳамияти ёритилиб берилган.

Диссертация ишининг биринчи боби **“Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иқтисодий ўсишни таъминлашнинг назарий ва амалий асослари”** деб номланиб, унда иқтисодий ўсишнинг назарий асослари, моҳияти, модернизация жараёнининг иқтисодий ўсишга таъсири, ўсиш омиллари, шакллари ва кўрсаткичлари, иқтисодиёт барқарорликни таъминлашда модернизациянинг ўрни ва истиқболлари, давлат иқтисодий сиёсатининг таъсири ва иқтисодий ўсиш моделлари тадқиқ этилган.

Диссертация ишининг иккинчи боби “Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини модернизациялашнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланиб, Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш омиллари ва уларнинг динамикасининг макроиқтисодий таҳлили, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг сифат кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Диссертация ишининг учинчи боби “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ўсишни прогнозлаш ва унга эришишнинг чора тадбирлари” деб номланиб, унда мамлакатимизда иқтисодий ўсишни мустаҳкамлашнинг устувор йўналишлари ва моделлари келтирилган.

Диссертация ишининг **хуласа ва таклифлар** қисмида тадқиқотнинг ҳар бир боби бўйича олинган натижалар умумийлаштирилган ва Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлаш юзасидан илмий амалий тавсиялар берилган.

1-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Иқтисодий ўсишнинг моҳияти, таркиби ва хисоблаш усуллари

Иқтисодий ўсиш замиридаги замонавий иқтисодий назарияда одатда табий аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш ҳажмининг реал кўпийиб кетиши ва қисқа муддатли равнақи эмас, балки, узоқ муддатли вақт оралиғидаги ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишига боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш реал ҳажмининг табий дара жасининг узоқ муддатли ўзгариши тушунилади.

Иқтисодий ўсиш – бу мамлакат иқтисодиёти маълум давр мобайнида (одатда бир йил) миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш ҳажмининг ахоли жон бошига нисбаттан ёки умумий иқтисодиётга нисбаттан ортишидир.

Иқтисодий ўсишнинг ҳозирги тури XVIII асрнинг ярмида Англияда саноат революцияси натижасида аниқланган. Бу даврда, аҳолининг реал даромадлари 10 бараварга ошли, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич ундан ҳам юқори бўлди. Аҳолининг ўртacha жон бошига даромади соатига 1 АҚШ долларни ташкил этган. XX аср бошларигача иқтисодий ўсиш ҳақидаги маълумотлар тўлиқ мавжуд эмас эди. Иқтисодий ўсиш назариясининг асосчиси XX аср бошларидан фаолият кўрсатиб келган иқтисодчи олим Йозеф Шумпеттер бўлиб хисобланади. Шу жумладан, иқтисодий ўсиш назариясига Саймон Кузнец, Фернан Бродель, Теодор Шулц, Гери Беккер, Майкл Портер, Николай Кондратев ва бошқа иқтисодчи олимлар ўз ҳиссаларини қўшганлар. Иқтисодчи олим Ангус Медисон реал ЯИМ ва иқтисодий ўсиш суратларни баҳолаш соҳасида қўплаб тадқиқотларини олиб борган.

Комплекс кўрсаткич иқтисодий ривожланиш, иқтисодий ўсишдан фарқланиб, иқтисодий ўсиш оддий микдорий кўрсаткич бўлиб хисобланади. Одатда, иқтисодий ўсиш аҳолининг умумий турмуш даражасини ифодалайди, умр кўриши давомийлиги, тиббий хизматлар сифати, сифатли

таълимнинг мавжудлиги, иш кунининг қисқариши, фуқароларнинг хавфсизлиги ва бошқалар. Иқтисодий ривожланиш эса ҳар бир аҳолининг турмуш даражаси сифат кўрсаткичи яхшиланиши инобатга олиниб, у роқали иқтисодий ўсишга эришилади.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив ва экстенсив турлари мавжуд. Аввал иқтисодий ўсишга экстенсив омилларнинг ўсиши натижасида эришилади. Кейин эса интенсив омилларнинг ривожланиши ҳисобига иқтисодий ўсишга эришилади. Замонавий илм фан ва техниканинг ривожланиши, уларни ўзлаштирилиши ҳисобига, интенсив омиллар иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айланади. Реал ҳаётда соф интенсив ёки соф экстенсив ўсиш мавжуд эмас. Улар бир-бири билан узвий боғлиқдир, фақатгина бир омилнинг улуши ўсишда етакчи ўринда туради.

Экстенсив ўсиш омиллари миқдор кўрсаткични ортиши натижасида ўсишга эришилади. Шу билан бир қаторда меҳнат унумдорлиги деярли ўзгармайди. Экстенсив ўсишда, ресурслардан ҳаддан тортиқ фойдалниш натижасида, капитал қайтими камайиб боради. Масалан, корхонага ҳаддан ортиқ ишчи кучини жалб этилиш ишчи кучи ортиқчалиги ва меҳнат унумдорлигининг пасайишига сабаб бўлади. Бу омиллар инновация, янги ишлаб чиқариш технологиялар ва бошқарув технологиялар, инсон капитали сифатини яхшилаш билан боғлиқ бўлмайди.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив омиллари сарасига бошқарув тизимини такомиллаштириш ва сифатини яхшилаш, технологиядан самарали фойдаланиш, инновациядан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва инсон капитали такомиллаштирилиб борилади. Билимларга асосланган иқтисодиётда ҳам саноатлашган иқтисодиётда ҳам асосий ўсиш омили сифатида юқори сифатли инсон капитали бўлиб ҳисобланади. Барқарор ўсиш меҳнат унумдорлиги ўсиши ҳисобидан, инновация ҳисобидан, доимий инвестиция ҳисобидан, микро ва макро даражада харажатларнинг камайиши ҳисобидан эришилади. Техник тараққиёт, физик ва инсон капиталининг тўпланиши, иқтисодий институтлар

ва инфратузилманинг яратилиш каби омиллар, узоқ муддатли иқтисодий ўсишни, меҳнат унумдорлигини ошириш, инсон капитали унумдорлигини ошириш, физик капитални модернизациялаш ва харажатларни камайишига олиб келади.

Одатда, замонавий иқтисодий ўсишда 4 та асосий иқтисодий ўсиш турларини ажратиб кўрсатилади, булар, мамлакат иқтисодиётини бир маромда ўсиши (лидер мамлакатлар иқтисодий ўсиши), юқори ўсиш (Япония, Сингапур, Гонгконг, Жанубий Корея), ўсишнинг фожеалари (баъзи марказий Африка мамлакатлари), иқтисодий ўсишнинг мавжуд эмаслиги (Зимбабве). Ўзбекистон Республикаси 2000 йилдан бери барқарор ўсиш суратларига эришмоқда. Мамлакатимиз иқтисодий ўсиши кўпроқ юқори ўсиш турига мос келади.

Иқтисодий ўсишни ташкил этувчилари, иқтисодий ўсиш суратларини жадаллаштирувчи ва секинлаштирувчи куч бу иқтисодий ўсиш омиллари бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар қуйидагилар: меҳнат реасурсларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари; асосий капиталнинг самарадорлиги; табиий ресурсларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичи; бошқарув самарадорлиги; технологи самарадорлиги ва бошқалар.

Иқтисодиёт назариясидан маълумки ЯИМни ҳисоблашнинг 3 тури мавжуд бўлиб, булар, қўшилган қиймат бўйича ҳисоблаш, харажатлар бўйича ҳисоблаш, даромадлар бўйича ҳисоблаш.

Ишлаб чиқариш усулида ҳисобланган ЯИМ якуний товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида қўшилган қийматлар ийғиндиси сифатида аниқланади. ЯИМни бу усулда аниқлаш статистик жиҳатдан қулай бўлиши билан бирга уни ҳисоблашнинг муҳим шартига амал қилиш, яъни бир қийматни икки бор ҳисобга олиш, ёки оралиқ маҳсулот қийматини ЯИМга киритиб юборишнинг олдини олади.²

Ишлаб чиқариш ҳажмини тўғри ҳисоблаш учун жорий йилда ишлаб чиқарилган товар ва кўрсатилган хизматлар қиймати бир марта ҳисобга

² Ишмуҳамедов А.Э., Джумаев З.А. Макроиқтисодиёт (Марузалар матни) –Т.-2007 ТДИУ

олиниш керак. Кўпгина маҳсулотлар бозорга боргунча бир нечта ишлаб чиқариш босқичини ўтайди. Шу сабабли ЯММда айрим маҳсулотларни икки ва ундан кўп марта ҳисобга олмаслик учун, фақат пировард маҳсулотнинг бозор қиймати ҳисобга олинади, оралиқ маҳсулотлар эса ҳисобга олинмайди.

Якуний товарлар ва хизматлар деганда уларнинг ишлаб чиқариш, ёки ички айирбошлиш циклидан чиқсан, якуний истеъмол, жамғариш ёки экспорт учун фойдаланиладиган қисми тушунилади.

Якуний товарлар ва хизмртларни ишлаб чиқаришда сарфланган оралиқ товарлар ва хизматлар баҳоси ЯИМга қўшилмайди. Қўшилган қиймат товар ва хизматларнинг сотиш баҳоси билан уларни ишлаб чиқариш учун фойдаланилган хом ашё ва материалларни сотиб олишга қилинган харажатлар ўртасидаги фарқ кўринишида аниқланади.

ЯИМни харажатлар бўйича ҳисоблаш, якуний фойдаланиш усули деб ҳам юритилиб, унда ЯММни ҳисоблаш учун якуний маҳсулотларни сотиб олишга қилинган барча харажатлар ўзаро қўшиб чиқилади. Бу харажатлар қўйидагича гурухланади:

Уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари (С):

- а) узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол буюмлари сотиб олишга;
- б) кундалик фойдаланиладиган истеъмол буюмлари сотиб олишга;
- в) истеъмол хизматлари тўловига.

Ялпи ички хусусий инвестиция харажатлари (I):

- а) асбоб-ускуналар, машиналарни якуний сотиб олишга;
- б) корхоналар, иншоотлар, туаржой биноларини қуришга сарфланган;
- в) товар захиралари ўртасидаги фарқлар ёки захираларнинг ўзгариши.

Товар ва хизматларнинг давлат хариди (G).

Бу групта харажатларига маҳаллий ва марказий бошқарув ҳокимияти идоралари томонидан корхоналарнинг пировард маҳсулотлари ва ресурслари хариди (автомобиль йўллари ва почта муассасалари қурилиши, давлат корхоналарида тўланадиган иш ҳақи) харажатлари киритилади. Лекин шу

ўринда таъкидлаш лозимки, бу харажатларга давлат трансферт тўловлари киритилмайди.

Соф экспорт (Хп): мамлакатнинг импорт ва экспорт операциялари бўйича харажатлар ўртасидаги фарқ.

ЯММни харажатлар орқали ҳисоблаш формуласини қўйидагicha тасвиirlаш мумкин:

$$ЯИМ = C + I + G + Xn^3$$

ЯИМни даромадлар бўйича аниқлашда якуний маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида резидент-ишлаб чиқариш бирликлари томонидан, қўшилган қийматлар ҳисобидан, тўланган дастлабки даромадлар қўшиб чиқилади.

ЯММни даромадлари йигиндиси кўринишида ҳисоблашда асосан қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

-соф билвостиа солиқлар (Тп) – билвосита солиқлар(қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, божхона божлари) ва субсидиялар ҳажмлари ўртасидаги фарқ;

- ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари (W) - хусусий ва давлат компанияларининг ёлланма ишчиларга ҳисоблаган барча турдаги меҳнат ҳақи тўловларининг номинал миқдори плюс иш берувчилар томонидан иш ҳақи фондига нисбатан ҳисобланиб тўланадиган ижтимоий сугурта ажратмалари. Ўзбекистон Республикасида бу ажратма нормаси 2005 йилда иш ҳақи фондига нисбатан 31% бўлган бўлса. 2006 йилдан бошлаб 25 % қилиб белгиланди

- Корпорацияларнинг ялпи фойдаси + нокорпоратив корхоналар даромади (Р).

Нокорпоратив корхоналар- кичик ҳажмдаги, уй хўжаликлари тегишли корхоналар бўлиб уларда корхона фойдаси ва корхона эгасининг иш ҳақи элементлари ўзаро қўшилиб кетган бўлади. Бу ҳолат аралаш даромад атамасини қўллашга сабаб бўлади.

³ Ишмуҳамедов А.Э., Джумаев З.А. Макроиктисодиёт (Марузалар матни) –Т.-2007 ТДИУ
14

P= Корпорацияларнинг соф фойдаси (**P₁**) + нокорпоратив корхоналар соф даромадлари(**P₂**) +амortизация (A);

ЯИМни даромадлар кўринишида ялпи қўшилган қийматни кўрсатилган уч гурухга бўлиб топиш мумкин:

$$\text{ЯИМ} = Tn + W + P^4$$

Олинган дастлабки даромадлар қайта тақсимланиши натижасида дивиденд, рента, тўғридан тўғри хорижий инвестициялардан олинган реинвестиция кўринишидаги даромадлар пайдо бўлади.

Шунингдек, ЯИМни даромадлар кўринишида аниқлашда, иқтисодий назарияда, даромадларни қуидаги компонентларга бўлиш қўзда тутилади:

- амортизация (A);
- билвостиа солиқлар (T)
- ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари (W)
- ижара ҳақи тўлови ва рента кўринишидаги даромадлар(R1);
- капитал учун олинган фоиз даромадлари (R2);
- мулқдан келадиган даромад (нокорпоратив корхоналар даромади) (P1);
- корпорация фойдаси (P2).

Корпорациялар фойдаси ўз навбатида қуидагиларга бўлинади:

- а) корпорацияси фойдасидан тўланадиган солиқлар (P1.1);
- б) ҳиссадорлар ўртасида тақсимланадиган дивиденлар(P1.2);
- в) корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси(P1.3).

Келтирилган ёндошвуга кўра:

$$\text{ЯИМ } (Y) = A + T + W + R1 + R2 + P1 + P2^5$$

Харажатлар ва даромадлар кўринишида хисоблаб топилган ЯИМ ҳажми ўзаро мос келади. Чунки миллий иқтисодиёт доирасида бир субъект томонидан қилинган ҳар қандай харажат иккинчи субъект учун даромад бўлиб тушади.

⁴ Ишмуҳамедов А.Э., Джумаев З.А. Макроиктисодиёт (Марузалар матни) –Т.-2007 ТДИУ

⁵ Шу манбаъ

Мамлакат барқарор иқтисодий ўсишга эришишда иқтисодиётни модернизациялаш муҳим аҳамият касб этади. Модернизация инглизча сўздан олинган бўлиб, Modern – янгиланган, замонавий, илмий билимларнинг шиддат билан ўсиши деган маъноларни англатади. Модернизация жараёни одатда объектни янгилаш уни техник ҳолати, талаб қўрсаткичларини, янги талабларга жавоб берадиган даражага келтиришдир. С. Н. Говров фикрига кўра модернизация З хил ҳолатга ишлатилади.:

Ички модернизация, бунда Ғарбий Европа ва шимолий Америкадаги мамлакатларнинг ривожланиши, ва янги талабларнинг вужудга келиши;

Қувиб етувчи модернизация, бунда биринчи гурухга таълуқли бўлмаган, лекин уларга етиб олмоқчи бўлган мамлакатлар;

Модернизион жамият эволюцион ривожланиши натижасида вужудга келган, яъни ўзгаришлар ва инновацияларни жорий этиш учун қўлланиладиган дастак.

Модернизацияни ўрганувчи фан бу модернизация назарияси бўлиб, у ривожлниш жараёнини тезлатиш мақсадида жамият тизимини қайта қуриш жараёнини ўрганади. Модернизация назариясида 2 хил модернизация жараёнини ажратиб қўрсатиш мумкин, булар, либерал модернизаия, консерватив модернизация.

Либерал модернизация назарияси модернизация жараёнини жамиятни эскидан янги жамиятга ўзгаришишни назарда тутади. Уларнинг фикрича, барча давлатлар бир тизим остида ривожланадилар. Уларнинг асосий қўрсаткичи бозор иқтисодиёти, очиқ жамият, янги инфрацион технологиялар, плюрализм, демократия, эркинлик бўлиши керак. Либераллар фикрига кўра, модернизацияни таҳлил қилишда бирламчи ва иккиласмачи модернизацияга бўлиш мумкин. Либерал модернизация назарияси родикаллар ва косервантлар томонидан танқид қилинган. Родикаллар фикрига кўра бу назария идеологияга асосланган, ривожланиш жараёни модели эса бошқа мамлакатлар ривожланашига асос бўлаолмайди, чунки ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш тарихи мавжуд.

Консерватив назария намоёндалари эса сиёсатнинг институтионализацияга иштироки келишмовчиликлар, сиёсий барқарорлик ва тинчликни сақлаш, ривожланиш йўлини миллий қадриятлар ва тарихий ривожланиш босқичларига мослигини инобатга олишади.

Жамиятда модеринизаця жараёнини тадбиқ этишда одатда қуйидаги соҳалар диққат марказда бўлади:

- Иқтисодиётни модернизациялаш;
- Сиёсатни модернизациялаш;
- Жамиятни модернизациялаш;
- Маданиятни модернизациялаш.⁶

Иқтисодиётни модернизациялаш иқтисодий жараённи интенсивлаштиришдан иборат бўлиб, у меҳнатни дифференсациялаштиради, фанни ишлаб чиқариш кучига айлантиради ва роционал бошқарувни ташкил этади. У қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- Жонли меҳнатни жонсиз меҳнатга алмаштириш;
- Меҳнат жиҳозларини машиналаштириш;
- Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш соҳасини сифат ва сон кўрсаткичини кўпайтириб, қазиб олиш тармоғини қисқартириш;
- Иқтисодий ихтисослашув ва иқтисодий кластерни ривожлантириш, ишлаб чиқариш, истеъмол ва тақсимот;
- Иқтисодий ўсишни ўзини-ўзи таъминлаш камида ишлаб чиқаришни ва истеъмолни кенгайтириш;
- Саноатлашув жараёнини ривожлантириш.⁷

Модернизация иқтисодий форм ва институтларнинг шаклланишига асос бўлди, натижада ишлаб чиқариш жараёнида товар пул айланмасини жадаллаштиради, сўнгра капитализмнинг ривожланишига олиб келди. Бу бозор иқтисодиёти шароитини ривожланишига асос бўлди, бу билан миллий ва трансмиллий бозорлар вужудга кела бошлади. Илм-фан тараққиёти

⁶ www.wikipedia.org

⁷ www.wikipedia.org

натижаларини бизнес соҳасига жалб этилганлиги, илмий-техника революциясига олиб келди ва илм-фанни ишлаб чиқаришнинг асосий кучига айлантириди.

Сиёсий модернизация сиёсий институтларни яратиш, бу билан ҳокимиятда қабул қилинадиган қарорларни халқнинг розилиги асосида амалга оширишга эришишдир. У қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- Сиёсий тизимга сиёсий институтлар таъсирини кўпайтириш;
- Замонавий суверинитет давлат тузиш ва сиёсий тизим эволюцияси;
- Давлат ролини кучайтириш;
- Қонун устуворлиги ва унинг таъсир доирасини кенгайтириш, бу эса давлат ва фуқароларни яқинлаштиради;
- Бюракратик тўсикларга йўл қўймаслик.

Сиёсий модернизация биринчи бўлиб Европада миллий марказлашган давлат юзага келгандан бошланди. Европа ва Америкада сиёсий модернизациянинг чуқур илдиз отиши кўплаб давлатларнинг вужудга келиши, конституцион бошқарувни ўрнатилиши, парламент бошқаруви, сиёсий партиялар ва уларнинг ҳаракати, сайловлар асосида ҳокимият бошлиқларининг сайланиши йўлга қўйилди.

Ижтимоий модернизация очик жамиятни вужудга келиши ва ижтимоий тизимни ривожланишини таклиф этади. Бу жамият бозор муносабатлари, хуқуқий тизим, мулкчилик муносабатлари жараёнида шаклланиб ривожланди. Бу жамиятда демократик қонун-қоидаларни ўзгаришини ва уни бажарилишини тез амалга ошириш учун керак бўлади. У қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- Статификацион тизимли ва юқори ахборот алмашинадиган жамият тузиш;
- Ўзаро алоқаларнинг қонун доирасида олиб борилиши;
- Ижтимоий бошқарувни мураккаб тизимини тузиш;
- Турли хил ижтимоий институтларни шакллантириш.

Жамиятни модернизациялаш ижтимоий давлатни ва фуқаролик жамиятини вужудга келишига сабаб бўлади.

Маданий модернизация-бу аҳолининг маънавий руҳиятини ривожлантириш, маънавий озуқа олиш учун барчага бирдек ёқадиган маданий тадбирларнинг йиғиндисидир. У қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- Маданиятнинг асосий элементларини тенглаштириш;
- Умумий таълимни оммавий тарғиб этиш;
- Илм ва технологияга бўлган ишончнинг ошиши;
- Индивидуал қизиқишларни, одатларни, характерларнинг пайдо бўлиши, ижтимоий соҳада ўзини кўплаб қирраларини очиш;
- Индивидни рағбатланиши, унинг ўз меҳнати эвазига бўлганлигини тушуниб этиши.

Модернизациянинг 2 хил тури мавжуд, органик модернизация ва анорганик модернизация.

Органик модернизация одатда, ушбу жараённинг новоторлари яъни ривожланишга ўзининг ички омиллари ҳисобига эришган давлатлар мисол бўлади. Уларнинг маданияти, менталитети, дунёқариши тубдан ўзгариши кузатилган. Улар ўтмишдан қолган, маънавий тўсиқ сифатида турган одатларидан, буржуа муносабатлари, мануфактура ва ўтмишда шаклланган моделлардан воз кечиб, ишлаб чиқариш революциясига, тенг ҳукуқли фуқаролик жамиятига, жамиятни демократлашувига, миллий суверен давлат тузишга ва бошқаларга эришган.

Модернизациянинг анорганик тури эса ташқи муҳитга акс таъсир сифатида қаралади, яъни у четдан инвестиция киритиш, кадрларни чет элда ўқитиш, янги техника-технологияларни мамлакат ичига олиб кириш кабиларни ўз ичига олади. У аввал иқтисодий ёки сиёсий соҳани модернизациялашни назарда тутади. Умуман олганда кечиккан модернизация турига мос бўлиб ҳисобланади. Ш. Эйзенштадтунинг фикрича бу модернизация тури Европа модернизациясини тўлиқлигича кўчириш эмас,

балки ҳар бир давлат иқтисодий сиёсий ҳолатини ўзининг минталитети, урф-одатларидан келиб чиқиб модернизациялаш жараёни бўлиб ҳисобланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки модернизация жараёни факат ижобий натижаларни бермайди. Чунки модернизация жараёни тескари вестернизация жараёнига айланиб кетиши мумкин. Яъни миллатнинг урф-одатлари, маданияти, удумлари, миллий ғурурининг аста-секинлик билан сўниб бориб унинг ўрнига чет эл маданиятининг кириб келиши, натижада миллатнинг парокандаликка юз тутиши мумкин.

Иқтисодиётни модернизациялаш соҳасида турли мактаб намоёндалари турлича фикр билдирганлар. Биз ушбу мактаб намоёндарининг фикрларини умумлаштириб, улар йул қўйган камчиликларни айтиб ўтамиз. Иқтисодиётни модернизациялашда неокейнс мактаби намоёндаларидан Г. Зингер, Р. Прабиш, Х. Лейбен, Н. Нуркес, У. Ростоу ва бошқалар томонидан анорганик модернизация босқичида турган давлатларни иқтисодиётини модернизациялаш мавзусида бир қанча ишлар олиб борганлар.⁸ Уларнинг фикрича қашшоклик турли хиллиги, модернизация жараёни учун ресурслар этишмовчилиги, капитал танқислиги, меҳнат унумдорлигини пасайиши, бу эса даромаднинг тушишига олиб келади. Бунинг натижасида, харид қобилиятидининг пасайиши, бу эса инвестицион жозибадорликнинг тушиб кетишига сабаб бўлади.

Кўпчилик олимларнинг фикрича бу жараённинг сабаби, институтционал имкониятларнинг қолоқлиги, паст малакали кадрлар ва халқ таълимининг ривожланмаганлиги ва малака ошириш соҳасининг ривожланмаганлигига деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатдан ҳам халқ таълимининг ва малака оширишнинг пастлиги иқтисодий ўсишга етарли шароитнинг мавжуд эмаслигини тақозо этади. Юқори малакали кадрларнинг йўқлиги меҳнат самарадорлигининг тушишига сабаб бўлади, натижада иқтисодий ўсишнинг пасайишига олиб келади.

⁸ Нуриев Р.М. Экономика развития: модели становления рыночной экономики. М.: ИФРА – М, 2008

Кенсчилар фикрига кўра “қашшоқлик доирасининг зичлиги” аҳоли даромадининг камлиги билан боғлиқ, ва бу ўз навбатида истеъмол даражасининг пастлиги ва жамғарма ҳажмининг пасайишига сабаб бўлади. Истеъмол даражасининг пастлиги самарасиз талабга ва инветиция жалб этиш суръатининг пастлигига, оқибатда даромаднинг камлиги ишлаб чиқариш жараёнининг сустлашувига олиб келади.

Қашшоқлик даражасининг юқорилигига сиёсий бекарорликнинг мавжудлиги асосий сабаб қилиб кўрсатилади. Сиёсий бекарорлик сабабли, хусусий мулкга нисбатан қонунларнинг бузилиши, хусусий корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфига ўтказиш, даромадни жалб этишининг чегараланганлиги ва бошқа бир қатор оқибатлар юзага келади. Буларнинг барчаси трансоксион харажатларнинг юқори даражада бўлишига сабаб бўлади. Ҳокимият учун кураш жараёнининг жадаллашуви, трансоксион харажатларнинг юқорилиги, чет эл инвестицияларини жалб этилмаслигига ва миллий даромаднинг мамлакат ташқарисига чиқиб кетишига сабаб бўлади. Лекин кенсчилар модернизация моделининг камчиликларини ҳам айтиб ўтганлар, улар қуйидагилар: ҳар бир жараённи омилларива бошқа жараён омилларининг ўзаро боғлиқлигининг мавжуд эмаслиги. Бу ерда эса омилларнинг чегараланганлиги ва боғлиқлигининг тўлиқ ифодаланмаганлигидадир.

Неоклассик мактаб намоёндалари модернизация жараёнига кенсчилар назариясига қарши назарияларни илгари сурадилар. Кенсчилар модернизация жараёнини фақат техник-иқтисодиётни ривожланишига ва у орқали жаҳон бозорида ўз ўринларига эга бўлиш ҳақида фикр юритганлар. Неоклассиклар эса иқтисодий ўсишга тўғридан-тўғри таъсир этувчи эззоген омил бу илмий-техник тараққиёти ва инсон капитали деб ҳисобланганлар. Уларнинг назариясининг янги босқичга кўтарилишига Р. Солоунинг ҳиссаси катта бўлиб ҳисобланади. Чунки у ўз моделини асосида Коба-Дуглос функциясини қўяди ва унга таъсир этувчи эззоген омил сифатида илмий-техник тараққиётни ёки инсон капиталини келтиради. Неоклассиклар мактаби

намоёндалари иқтисодиётни дуалистик моделини ҳам тузишган. Дж. Фей ва Г. Ронис иқтисодий дуалистик моделларида дуализм чуқурроқ ва кенгрөк тушунилади, улар бир эмас учта дуализмни таҳлил қилишади. Мехнат бозори дуализмнинг ҳосиласи сифатида товарлар бозори дуализми ва молиявий бозор дуализмидир. Биринчи навбатда бозор ўзи ўрнатган эркин нарх ҳукм суради. Бир бозордаги меҳнат нархи иккинчи бозор нархига деярли таъсир кўрсатмайди. Истеъмол маҳсулотлари ҳам бир биридан фарқланади. Ссуда капитали ва олиб келувчи улуши нархларда сезиларли таъсир кўрсатади. Бу модел эса аграр ва ноаграр соҳанинг ўзаро муносабатини тасвирлаб беради. Дуалистик модел қайта ишланиб, модел техник жиҳатдан муракқблашиб, бошқа секторларни ҳам ҳисобга олишга тўғри келди натижада кўп секторли модернизация модели вужудга келди. Одатда хар бир секторнинг барча томонлари ва ресурслари таҳлил қилинади, ҳамда у билан бирга бўлган харажатлар ва уларни бир сектордан иккинчисига жойлаштирилиши таҳлил қилинади. Кўп олимлар бир қатор моделларида техник-тараққиётни акс эттиromoқчи бўлишди, аввало меҳнат билан капитал интенсив технологияни, ҳамда илмий-техник тараққиётни жамғармадан боғлиқликларини ифодалаб беришга ҳаракат қилишади. Лекин моделни мураккаблашуви бир қанча камчиликларга олиб келди, бу моделни реал ҳаётга тадбиқ этмеш қийин жараён бўлиб ҳисобланар эди. Чунки бу моделда олдинги иқтисодиётни замонавий шароитда ривожланишига етарлича баҳо берилмаган.

Бир гурӯх танқидчи олимлар фикрича, глобаллашув шароитида шароитида, иқтисодий ўсишга тор маънода ёндашув, саёрамизда табиий ресурсларнинг бутунлай емирилишига олиб келиши мимкинлигини таъкидлашади. Бошқа танқидчилар эса ўзларининг археологик изланишлари натижаларига таяниб, олдинги цивилизацияларининг таназуллига ўхшаб, ушбу цивилизация ҳам мавжуд экотизим ривожланишини таъминлаб берадолмаслиги натижасида таназулга учрайди деган фикр юритишади. Бир томондан иқтисодий ўсиш экотизимни ишдан чиқаради, саёрада ҳаёт кўриш даражаси бекарорлашади. Иккинчи томондан, агар иқтисодий ўсиш

таъминланмаса, ишсизлик, қашшоқчилик ва ижтимоий мувозанатнинг бузилишиги олиб келади. Ҳозирги кунда иккала назарияни қондирувчи “яшил” ёки барқарор ўсишга аҳамият қаратмоқда. Бир қатор иқтисодчи ва эколог олимлар фикрига кўра, иқтисодий ривожланиш ва шу билан бир қаторда саёра экотизимини сақлаб қолиш деган назариянинг бир-бирига тескарилиги сабабли иккинчи хулосага келиб тўхташган.

Экология иқтисодиёт нуқтаи назардан иқтисодий ўсишни ҳеч қандай ижтимоий оқибатларсиз тўхтатиш назариясини ишлаб чиқишидир. Экология иқтисодиёт назарияси тарафдорларидан бири Герман Дейл томонидан, “иқтисодиёт барқарор ҳолатда” тушунчаси киритилган. Бунда физик компонентлар чегараланган ва вақт ўтиши билан ўзгармайди. Канадалик олим Петер Виктор интенсив моделини таклиф қилди, ушбу модельга кўра иқтисодиёт барқарор ҳолатда бўлиб ўсиш мавжуд бўлмайди. Шунингдек модельда таъкидланадики, агар иқтисодиёт ананавий иқтисодий фаолият юритса ҳам, иқтисодиёт барқакрор ривожланади.

1.2 Иқтисодий ўсиш модельлари тавсифи

Иқтисодиёт назарияси тарихида иқтисодий ўсиш устидан кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан илмий-амлий изланишлар олиб борилган бўлиб улар томонидан иқтисодий ўсишнинг механизмлари ўрганилиб, иқтисодий ўсиш модельлари тузилган. Ҳозирги кунда иқтисодиёт назариясига кўра иқтисодий ўсиш модельларини 3 асосий гурӯхларга ажратиб кўрсатилади: кейнисча ва неокейнсча иқтисодий ўсиш модельлари, неоклассик иқтисодий ўсиш модельлари, ҳозирги замонавий иқтисодий ўсиш модельлари.

Иқтисодий ўсишнинг кейнисча ва неокейнсча модели. Кейнс мактаби намоёндаларидан иқтисодий ўсишни Кейнснинг ялпи талб тўғрисидаги бош ғоясига таянади. Яъни иқтисодиётни узоқ муддатли мутаносиб ривожланишининг ҳал қилувчи шарти ялпи талабни ошириш деб қарашган. Иқтисодий ўсишнинг асосий омили инвестициялар ҳисобланади, бошқа

ишлаб чиқариш омиллари эътиборга олинмайди. Кейнсча иқтисодий ўсиш моделидан соддароғи 40-йилларда Е. Домар томонидан таклиф этилган модел ҳисобланади. Кейнс ўз таҳлилида инвестицияларниг ялпи талабга таъсирини қаратган ҳолдаа, ялпи таклифга таъсирини кўриб чиқмайди. Ундан фарқли тарзда Домар моделида меҳнат бозорида ортиқча таклиф мавжуд, бу баҳолар барқарор холатида ушлаб туради, инвестицион лаг «0» га тенг, капитал қуйилмаларнинг чегаравий унумдорлиги доимий деб олади.

Е.Домар инвестицияларни ҳам талаб ҳам таклиф омили деб қарайди. Яъни инвестициялар нафақат мультипликатив таъсир қўрсатиб ялпи талабни оширади, балки ишлаб чиқариш қувватларини юзага келтириб, ишлаб чиқаришни ривожлантиради, товарлар таклифини оширади . Шундай экан, ялпи талабнинг ўсиши ялпи таклифнинг ўсишига тенг бўлиши учун инвестициялар қандай ўсиши керак деган савол пайдо бўлади. Бу саволга жавоб топиш учун Домар уч тенгламани ўз ичига олган тенгламалар системасини тузди:

1. таклиф тенгламаси;
2. талаб тенгламаси;
3. талаб ва таклиф тенглигини ифодаловчи тенглама.

- Таклиф тенгламасида инвестициялар ишлаб чиқариш омилларининг қанчага қўшимча ўсишини кўрсатади . Агар берилган шароитда инвестициялар I ўсса, ялпи ишлаб чиқариш ΔK а миқдорга ўсади:

$\Delta Y_s = \Delta K \alpha$ ΔK инвестициялар ҳисобига таъминланганлиги учун тенгикни:

$\Delta Y_s = I \alpha$ деб ёзиш мумкин. Агар тенгликни қуйидагича ифодаласак $\alpha = \Delta Y_s / I$ бир сўмлик инвестиция ҳисобига яратилган янги маҳсулот миқдорини кўрсатишимииз мумкин.

Бу ерда: α – капитал қуйилмалар(инвестициялар)нинг чегаравий унумдорлиги.

- Талаб тенгламаси қуйидаги кўринишга эга:

$$\Delta Y_d = \Delta I \left(1/\mu \right)$$

бу ерда, $1/\mu$ – харажатлар мультиликатори, μ –жамғаришга чегараланган мойиллик.

Бу тенглама миллий даромад ΔY_d , ёки ялпи талаб қўшимча инвестицияларнинг мультиликатив кўпайишига тенг миқдорда ўсишини кўрсатади. Ишлаб чиқариш тўпланган жами капитал билан таъминланиши, миллий даромад эса қўшимча инвестицияларнинг мультиликатив таъсири остида кўпайиши сабабли таклиф тенгламасида жами инвестициялар, талаб тенгламасида эса қўшимча инвестицияларгина кўриб чиқилади.

- Даромадлар ва ишлаб чиқариш қувватларининг қўшимча ўсиш суръатлари тенглиги тенгламаси:

$$\Delta I \ (1/\mu) = I \alpha^9$$

Бу тенгламани ечиб қўйидаги натижани оламиз:

$$\Delta I / I = \mu \alpha$$

($\Delta I / I$) – инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати бўлиб, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ёрдамида тўлиқ бандлиликни таъминлаб туриш учун (μ/α) миқдорга тенг бўлиши керак. Бундан хulosса шуки инвестицияларнинг мутаносиб ўсиш суръати жамғаришга чегараланган мойиллик ва инвестицияларнинг унумдорлиги (капитал қайтими) даражаларининг ҳосиласи экан.

Е. Домар модделидан келиб чиқадиган умумий хulosса шуки иқтисодий ўсишни таъминлаш учун инвестициялар ҳажмини ошириш, бу учун эса жамғариш нормаси ҳамда фан техника тараққиёти орқали капиталнинг самарадорлигини ошириш зарур.

Агар Е. Домар ўз моделида инвестицияларни экзоген тарзда берилган миқдор деб олган бўлса Р.Ф. Харроднинг 1939-йилда ишлаб чиқилган иқтисодий ўсиш моделига акселератор принципи ва тадбиркорларнинг кутишига асосланган эндоген функцияси ҳам киритилди. Акселератор принципига кўра нафақат инвестициялар ишлаб чиқаришнинг ўсишини келтириб чиқаради,

⁹ Ишмуҳамедов А.Э., Джумаев З.А. Макроиктисодиёт (Марузалар матни) –Т.-2007 ТДИУ

балки ишлаб чиқариш ва даромадларнинг ўсган ҳажми ҳам инвестиция жараёнларининг жадаллашишига олиб келади. Р.Харрод ўз моделига уч тенгламани киритади:

- 1) прогнозлаштирилган ўсиш суръати тенгламаси;
- 2) ҳақиқий ўсиш суръати тенгламаси;
- 3) табийи ўсиш суръати тенгламаси.

- Прогнозлаштирилган ўсиш суръати жамғаришга ўртача мойиллик даражасини акселераторга нисбати сифатида аниқланади:

$$Gw = s / cr^{10}$$

Бу ерда, Gw – кафолатланган ўсиш суръати, cr – талаб этиладиган капитал қайтими коэффиценти. Бу кўрсаткичлар доимий бўлганлиги сабабли прогнозлаштирилган ўсиш суръатлари ҳам доимий бўлади.

- Ҳақиқий ўсиш суръати тенгламаси, ишчи кучининг ўсиш суръати ва капитал унумдорлигининг ўсиш суръати билан белгиланади. $G = s$ бу ерда, G - ЯИМнинг ҳақиқий қўшимча ўсиш суръати ($\Delta Y / Y$), s - ишлаб чиқаришнинг капитал қайтими коэффиценти ($I / \Delta Y$), s – миллий даромаддаги жамғариш ҳажми ёки жамғаришга ўртача мойиллик, (S / Y).

Табийи ўсиш суръати тенгламаси ресурслардан тўлиқ фойдаланган шароитда таъминланиши мумкин бўлган максимал ўсиш.

$$Gn = cr \neq s$$

Р.Харроднинг моделидан кўриниб турибдики, агар ҳақиқий ўсиш суръати кафолатланган ўсиш суръатига мос келса иқтисодиётда барқарор узлуксиз ўсиш таъминланади. Амалиётда бунга доимо эришиб бўлмаслиги туфайли қисқа муддатли даврий тебранишлар рўй беради. Иқтисодиётнинг барқарор динамик мувозанати тўлиқ бандлилик шароитида кафолатланган ва табийи ўсиш суръатлари ўзаро тенг бўлганда таъминланади. Аммо бундай тенгликка давлатнинг фаол аралашуви орқалигина эришилади.

Ўсишнинг биринчи неоклассик моделлари 1950-йиллар охири 1960-йилларда пайдо бўла бошлади, бунда динамик мувозанат муаммоларига

¹⁰ Самуэльсон П., Нордхаус У. «Экономика». 15-е изд., М., 1997.

эътибор сусайиб, нафақат фойдаланилмаган қувватлар балки янги техникани жорий этиш, унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш ҳисобига ўсишнинг мумкин бўлган суръатига эришиш муаммоси биринчи поғонага чиқиб қолди.

Бу йўналиш вакиллари (америкалик иқтисодчи Р.Солоу, инглиз иқтисодчиси Дж. Мид ва бошқа муаллифлар) иқтисодиётга давлат аралашувига қарши чиқишиди, чунки, уларнинг фикрича йирик фирмаларга бозор рақобатчилиги шаротида потенциал ўсишга эришиш учун мавжуд ресурслардан янада кўпроқ фойдаланиш учун эркинлик бериш керак эди.

Улар моделларининг методологик асоси бўлиб ишлаб чиқариш омилларининг назарияси ва чегаравий унумдорлик назарияси хизмат қилди.

Неоклассик мактаб назариётчилари ўсишнинг кейнсчилик назарияларини 3 та жиҳати бўйича танқид қилишди¹¹:

Биринчидан, улар ўсишнинг асосий омили сифатида- капитал жамғарилишига эътиборни қаратганлар. Неоклассикларнинг фикрига кўра эса ишлаб чиқаришнинг ўсишига янги ишчиларни жалб этиш ҳисобига ҳам эришиш мумкин.

Иккинчидан, улар капитал коэффициенти “с” нинг ўзгармаслигидан келиб чиқсан. Неоклассик моделлар эса 2 хил ишлаб чиқариш омиллари (капитал ва меҳнат) ни ҳисобга ва уларнинг ўзаро алмашинувини инобатга олиб бу коэффициент ўзгариши мумкинлигини таъкидлайдилар.

Учинчидан улар бозор механизмининг автоматик равишда мувозанатни тиклай олиш қобилиятини тўғри баҳолашмаган. Неокейнсчилардан фарқли равишда улар фақат рақобатли бозор иқтисодиёти иқтисодий ўсишнинг мувозанатлигини таъминлай олади деб ҳисоблашган. Рақобат механизмидан ташқари бундай шартларидан бири бўлиб неоклассикларда қатъий пул тизими ҳисобланади.

Неоклассикларнинг иқтисодий ўсишнинг дастлаки модели Р.Солоу томотомонидан тузилган, у биринчи иқтисодий ўсиш модели ҳақида

¹¹ Нуреев Р.М. Экономика развития: модели становления рыночной экономики. М.: ИФРА – М, 2008

“Иқтисодий ўсиш назариясига қўшилган ҳисса” мақоласида баён этилган (1956 йил.), сўнг эса “Техника тараққиёти ва агрегатив ишлаб чиқариш функцияси” ишида ривожлантирилди (1957й).

Р.Солоу иқтисодий тизим мувозанатлигининг муҳим шароити ялпи талаб ва ялпи талифнинг teng бўлиши эканлигидан келиб чиқади. Бунда моделдаги ялпи таклиф Кобб-Дугласни ишлаб чиқариш функцияси асосида аниқланиб, бир томондан ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги функционал боғлиқлик муносабатини, иккинчи томондан эса- фойдаланиладиган омиллар ва уларнинг ўзаро комбинациясини ифодалайди. Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функцияси бўйича ҳар бир омилнинг улуши маҳсулот қийматида доимий, аммо абсолют жиҳатдан меҳнат ва капитал сарфи ўзгариши мумин.

Энг умумий кўринишда миллий ишлаб чиқариш ҳажми Y ишлаб чиқаришнинг 3 омили функцияси ҳисобланади: меҳнат L , капитал K ва ер N :

$$Y = f(L, K, N)$$

Бироқ ер омили иқтисодий тизимда кам маънога эга бўлганлиги туфайли Р. Солоу моделида келтирилмаган.

$$Y = f(L, K)$$

Ёйилган кўринишда берилган функция қўйидагича бўлади:

$Y = (\Delta Y / \Delta L)L + (\Delta Y / \Delta K)K$ Бунда $\Delta Y / \Delta L$ – меҳнатнинг чегаравий маҳсулоти MPL, $\Delta Y / \Delta K$ – капиталнинг чегаравий маҳсулоти. Унда ишлаб чиқариш функциясини қўйидагича ёзиш мумкин: $y = f(k)$ бу ерда, $f(k) = F(k, l)$.

Р.Солоу моделида техник тараққиётнинг ўрни (ёки ҳисобга олиниши). Иқтисодий ўсишнинг инвестициялар ва банклар сонининг ошишидан кейинги учинчи манбаси бўлиб, техник тараққиёт ҳисобланади. Неоклассик назарияда техник (технологик) тараққиёт деганда ишлаб чиқаришнинг машиналаштирилиши эмас, балки, ишлаб чиқаришдаги сифат ўзгаришлари тушунилади.

Моделга техник тараққиётнинг киритилиши ишлаб чиқариш функциясини ўзgartириб, у қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Y=f(K,L,E)^{12}$$

Бу ерда(E)-бир ишчи меҳнатининг самарадорлиги (ишчи кучининг саломатлиги, маълумоти ва малакасига боғлиқ):

(Le)- ишчи кучининг самарали бирликларининг сони.

Энди техник тараққиёт ҳолатидаги капитал билан қуролланганликнинг барқарор даражасини аниқлаш мумкин. Агар банкларнинг сони (L) (n) суръат билан ошаётган бўлса, самарадорлик (E) эса (g) суръат билан ўсаётган бўлса, унда (LE) ($n-g$) суръат билан ошиб боради.

Доимий самарадорлик билан бир бирлик меҳнатга тўғри келадиган капитал $R1+[K/(LE)]$ ни ташкил этади. Доимий самарадорлик билан бир-бирлик меҳнатга тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажми эса $y1=Y/(LE)$ ни ташкил этади. Бунда барқарор мувозанатлилик ҳолатига қуйидаги шартда эришилади:

$$sf(R1)=(d+n+g)R1^{13}$$

тенглама ўзгармас самарадорлик билан бир-бирлик меҳнатга тўғри келадиган капитал ва ишлаб чиқариш доимий бўладиган капитал билан таъминланганликни (R^*) фақатгина битта даражаси мавжудлигини кўрсатади бу барқарор ҳолат иқтисодиётнинг узоқ муддатли мувозанатини ифодалайди. ($R1^*$) нинг барқарор (қатъий) ҳолатида техник тараққиёт мавжуд бўлган шароитда капитал ҳажми (K) ва ишлаб чиқариш (Y) ($n+g$) суръат билан ўсади. Бир ишчи хисобига тўғри келадаган капитал билан қуролланганлик ($K|L$) ва ишлаб чиқариш ($Y|L$) (g)- суръат билан ўсиб боради. Бу Р.Солоу моделида техник тараққиёт-турмуш даражаси узлуксиз ўсишининг ягона шарти эканлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, Р.Солоу модели иқтисодий ўсишнинг 3 манбаси-инвестициялар, ишчи қучи сони ва техник тараққиёт ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ёритиш имконини беради. Давлат иқтисодий ўшишга

¹² Самуэльсон П., Нордхаус У. «Экономика». 15-е изд., М., 1997.

¹³ Самуэльсон П., Нордхаус У. «Экономика». 15-е изд., М., 1997.

жамғарма меъёри ва техник тараққиёт тезлиги орқали таъсир кўрсатиши мумкин.

Жамғарма меъёри қандай бўлиши керак? Аниқлаганимиздек мувозанатли иқтисодий ўсиш жамғарманинг турли меъёрлари билан мувофиқлашади. Шунинг учун максимал истеъмол даражаси билан иқтисодий ўсишни таъминлайдиган меъёр оптимал бўлади. Бундай меъёр “Олтин қоида” га мувофиқ келади. Жамғарманинг бу меъёрига мос келадиган капиал билан қуролланганлик даражасини (R^{**}) билан истеъмолни эса – (c^{**}) билан белгилаймиз. Олдин биз ишлаб чиқариладиган маҳсулот истеъмол ва инвестицияларга сарфланади деб белгилаган эдик: $Y=c+i$ бундан $c=Y-i$ келиб чиқади.

Берилган параметрларнинг ўрнига улар барқарор ҳолатидаги ифодасини қўйсак, қуйидагига эга бўламиз:

$$c^* = f(R^*) - dR^{*14}$$

бу ерда c^* - барқарор ўсиш ҳолатидаги истеъмол.

Истеъмол ҳажми максимал бўладиган капитал билан қуролланганликнинг барқарор даражаси “Олтин қоида”га мувофиқ келади. “Олтин қоида” бўйича капитал билан қуролланганлик R^{**} билан истеъмол эса- c^{**} билан белгиланган.

“Олтин қоида” даражасига мос келадиган капитал билан қуролланганлик ҳолатида $f(R^*)$ ишлаб чиқариш функцияси ва dR^* чизиги бир хил оғмага эга ва истъмол максимал даражага эришади.

R^{**} капитал билан қуролланганлик даражасида капитал заҳирасининг бир бирликка ошиши ишлаб чиқариш ўсишини келтириб чиқаради (капиталнинг чегаравий маҳсулотига teng келадиган) ва капиталнинг d катталикка чиқиб ктишини оширади. Шундай қилиб, “Олтин қоида”га мос келадиган R^{**} капитал билан қуролланганлик даражасида $MPK=d$ шарт бажарилади. Аҳоли ўсиши ва техник тараққиётни ҳисобга олган ҳолда эса,

¹⁴ Самуэльсон П., Нордхаус У. «Экономика». 15-е изд., М., 1997.

$MPK=d+n+g$ шарт бажарилади. Агар иқтисодиёт “Олтин қоида” бўйича эга бўлиши мумкин бўлган капитал заҳирасидан ортиқча капитал заҳираси билан ривожланаётган бўлса, унда бу ҳолатда жамғарма меъенини пасайтиришга йўналтрилган сиёсатни амалга ошириш зарур. Жамғарма меъенининг камайиши истеъмолнинг ошиши ва унга мувофиқ равишда инвестицияларнинг пасайишига олиб келади, демак капитал заҳирасининг барқарор даражасининг пасайишига ҳам олиб келади.

Агар иқтисодиёт барқарорлик ҳолатида “Олтин қоида” дагидан кам капитал билан қуролланганлик билан ривожланаётган бўлса, унда жамғарма меъенини ошириш зарур. Бу инвестицияларни ошириб истеъмолни пасайтиради, лекин капиталнинг жамғарилиб бориши бўйича қандайдир вақтдан бошлаб яна ўса бошлайди. Натижада иқтисодиёт яна янги мувозанат ҳолатига эришади аммо олтин қоидага мувофиқ бўлган ҳолда, бунда истеъмол дастлабкига нисбатан юқорироқ даражага эга бўлади.

Техник тараққиётни рағбатлантириш Р.Солоу модели техник тараққиётни фаровонликни барқарор оширувчи ва ўсишнинг оптимал вариантини топишга имкон яратувчи ягона асос сифатида кўрсатади. Р.Солоу моделининг камчилиги шундаки, у техник тараққиётни экзоген омил сифатида кўриб чиқади, яъни уни бирон иқтисодий субект фаолияти билан боғлиқлигини тушунтирмайди. Экзоген омиллли ўсиш моделида, жамғарма нормаси ва инвестиция миқдори барқарор ўшишга унча таъсир қилмайди, бу эса ҳақиқатдан анча ўзокдир.

XX асрнинг 80-90 йилларида Солоу моделини аниқлаштириш учун кўплаб уринишлар бўлди. Лекин, модел ва унинг ўзгарувчилари бўйича бир қатор саволлар мавжуд эди. Моделнинг қайси қисми иқтисодий ўшишни ифодалайди? Ўзгарувчилар ҳақиқатдан ҳам ўзгарувчими? Аҳолининг ўсиш, техника тараққиётининг ривожланиши ва капиталнинг аммортизация ҳажмининг қандай миқдори меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатмайди? Ушбу саволларга жавоб излаш мақсадида, 1992 йилда иқтисодчи олимлар

Г. Менкью, Д. Ромер ва Д. Уэлломлар Солоу моделини текшириб кўришди. Улар қуйидаги кўринишда кўриб чиқишидий¹⁵:

$$Y(t) = K(t)^\alpha [A(t)L(t)]^{1-\alpha} \quad 0 < \alpha < 1$$

$$L(t) = L(0)e^{nt}, \text{ бўйерда } \frac{\dot{L}}{L} = n$$

$$A(t) = A(0)e^{gt}, \text{ бўйерда } \frac{\dot{A}}{A} = g$$

$$\frac{Y}{AL} = \frac{K^\alpha (AL)^{1-\alpha}}{AL}, \text{ бўйерда, } \frac{Y}{AL} = y, \frac{K}{AL} = k$$

$$y = k^\alpha$$

$$\dot{k} = sy(t) - (n+g+\delta)k(t) = sk(t)^\alpha - (n+g+\delta)k(t)$$

Барқарор ҳолатда

$$\dot{k} = sk(t)^\alpha - (n+g+\delta)k(t) = 0$$

$$k^* = \left(\frac{s}{n+g+\delta}\right)^{\frac{\alpha}{1-\alpha}}$$

$$\frac{Y}{AL} = y = (k^*)^\alpha = \left(\frac{s}{n+g+\delta}\right)^{\frac{\alpha}{1-\alpha}}$$

Агар ушбу ифодани логарифмласак:

$$\ln \frac{Y}{AL} = \frac{\alpha}{1-\alpha} \ln(s) - \frac{\alpha}{1-\alpha} \ln(n+g+\delta)$$

$$\ln \frac{Y(t)}{A(t)L(t)} = \ln \frac{Y(t)}{L(t)} - \ln A(t) = \ln \frac{Y(t)}{L(t)} - \ln A(t) - gt$$

$$\ln \frac{Y(t)}{L(t)} = \ln A(0) + gt + \frac{\alpha}{1-\alpha} \ln(s) - \frac{\alpha}{1-\alpha} \ln(n+g+\delta)$$

$\ln A(0) = \alpha + \varepsilon$ инобатга олиб қуйидаги тенгликни тузамиз:

$$\ln \frac{Y(t)}{L(t)} = \alpha + gt + \frac{\alpha}{1-\alpha} \ln(s) - \frac{\alpha}{1-\alpha} \ln(n+g+\delta) + \varepsilon$$

Ушбу тенгликни кичик кавадрат усулидан фойдаланиб керакли параметрларни аниқлашимиз мумкин. Солоу моделида даромадда капитаднинг улуши (α) тахминан $1/3$ га тенг, ахоли жон бошига даромадга жамғарма даражасининг эластиклиги 0.5 га ва ўсиш суратлари эластиклиги 0.5 га тенг. Г. Менкью, Д. Ромер ва Д. Уэлломлар ўз тадқиқотларида ҳақиқатдан ҳам жамғарма нормаси юқори мамлакатларда ахолининг реал

¹⁵ Нуриев Р.М. Экономика развития: модели становления рыночной экономики. М.: ИФРА – М, 2008
32

даромади юқори ва $(n+g+\delta)$ юқори бўлганда аҳолининг реал даромади паст бўлади.

Иқтисодчилар қайси йўл билан фан-техника тараққиётига эришилади, XX асрнинг 80-йиллардан бошлаб кўпчилик иқтисодчилар иқтисодий ўсишнинг аниқ омилга ўзларининг изланишларини қаратганлар. Натижада «иқтисодий ўсишнинг янги назарияси» ёки «эндоген иқтисодий ўсиш» каъби ишлар қилинган.

Юқорида айтилганидек меҳнат унумдорлиги ёки малакасининг ошиши фақатгина уларга киритилган инвестиция орқали кўпайтириш мумкин. Бу жараён таълим (билим) дея юритилади, аммо айтиб ўтганимиздай бу жараённи иш вақтида узлуксиз равишда ҳам, билим олиш мумкин. Биз даромадни қисқариб кетиш конуниятини рад этишимиз мумкин, агарда, биз бир вақтнинг ўзида инвестицияни инсон капиталига хамда физик капиталига киритсак. Бу модел доимий самарадорликни назарда тутганлиги учун унда агар физик ва инсон капиталини икки бароварга оширсак, у холда бизда икки баробар даромад олиш имкониятига эга бўламиз.

Инсон капиталини ёки малакани оширишнинг асосий омили бўлиб узлуксиз равишда олиб бориладиган таълим системаси хисобланади. Инсонлар мактаб ва бошқа ўқув муассасаларида таълим олиб иш хақларидан воз кечканлар деб хисоблаймиз. Чунки агарда улар таълим олиш ўрнига бирон бир корхонада ишлаб юрганларида маълум бир маош олишган бўлишар эдилар. Бундай жараённи иқтисодчилар инсон капиталига киритилган инвестиция деб юритадилар.

Аммо фуқороларга кандай таълим беришни таъминлаш керак? Бошқача қилиб айтганда иқтисодий ўсишни қайси алтернатив йўлини танлашимиз лозим? Биринчи вариантни биз элитизм деб атаган эдик: маълум бир гурӯҳ инсонлар яхши маълумот оладилар, чунки иқтисодиёт ривожланиши уларнинг қай даражада давлатни бошқаришига боғлик. Бу назарияга кўра агар етакчилар яхши маълумотга эга бўлсалар у ҳолда мамлакат барқарор ривожланади деб юритилади.

Иккинчи вариантни биз универсализм деб атадик: ҳар бир инсон минимум билим олиши керак. Бу вариантнинг мазмуни шундан иборатки, ҳар бир ишчидан иқтисодий усиш янги технологияларни тез равища киритилиши керак эканлигидадир. Охирги 30 йиллар ичидаги Шарқий осиёдаги иқтисодий ўсиш аввал тикувчилик, кейин соатлар ва радиомаҳсулотлар ишлаб чиқаришдан бошланган. Сифат даражаси бу давлатларда аста-секинлик билан ошиб борди, ва ундан кейин эса бу давлатлар бошқа давлатларга молиявий ёрдам кўрсатишни бошладилар.

Бундай иқтисодий тизимда ҳар бир ишчи турли хил касбларни эгаллаши лозим. Шунинг учун бундай шароитларда, шундай таълим системаси тузилиши керакки, бу таълим тизими ишчилар учун турли хил касбларни эгаллашига кўмаклашиши керак. Охирги 30 йиллар ичida инсон капиталини тўплаш модели унверсализмга асосланган булиб, у элитизмга асосланган моделидан кўра афзаллироқдир.

Г. Менкью, Д. Ромер ва Д. Уэлом модели ушбу соҳада ўз изланишларини олиб бордилар. Улар Солоу моделидаги капитални физик ва инсон капиталига бўлади¹⁶:

$$Y(t) = K(t)^\alpha H(t)^\beta [A(t)L(t)]^{1-\alpha-\beta}$$

$$y = \frac{Y}{AL}, k = \frac{K}{AL} \text{ ва } h = \frac{H}{AL}$$

$$y = k^\alpha h^\beta$$

Модел муаллифлари физик капитал, инсон капитал ва истемол учун битта функциядан фойдаланилган. Шунинг учун, истемолнинг бирлик шартидан фойдаланилмайди ёки бирлик физик капитал, ёки инсон капитални бирлик деб олинади. Улар инсон капитали чиқимини физик капиталини кидек деб хисоблашади. Бундай қарорга капитал қайтимини камаювчилик хоссасидан келиб чиқишиади ($\alpha + \beta < 0$).

$$\dot{k}(t) = s_k y(t) - (n+g+\delta)k(t), \dot{k}(t) = 0, s_k y(t) = (n+g+\delta)k(t)$$

$$k^{1-\alpha} = \left(\frac{s_k}{n+g+\delta}\right)h^\beta \text{ ёки } k = (s_k/(n+g+\delta)^{\frac{1}{1-\alpha}})h^{\frac{\beta}{1-\alpha}}$$

¹⁶ Нуреев Р.М. Экономика развития: модели становления рыночной экономики. М.: ИФРА – М, 2008
34

Қуидаги тенглик бир бирлик инсон капиталини меҳнат самарадорлигини ифодалайди:

$$\dot{h}(t) = s_h y(t) - (n+g+\delta)k(t), \quad \dot{k}(t) = 0, \quad s_h y(t) = (n+g+\delta)k(t)$$

$$k = (s_h/(n+g+\delta))^{\frac{1}{\alpha}} h^{\frac{1-\beta}{\alpha}}$$

барқарорлик шартидан келиб чиқиб қуидагиларни аниқлаймиз:

$$k^* = \left(\frac{s_k^{1-\beta} s_h^\beta}{n+g+\delta}\right)^{\frac{1}{1-\alpha-\beta}}, \quad h^* = \left(\frac{s_k^\alpha s_h^{1-\alpha}}{n+g+\delta}\right)^{\frac{1}{1-\alpha-\beta}}$$

$$y^* = (k^*)^\alpha (h^*)^\beta$$

$$\ln \frac{Y(t)}{L(t)} = \ln A(0) + gt - \frac{\alpha+\beta}{1-\alpha-\beta} \ln(n+g+\delta) + \frac{\alpha}{1-\alpha-\beta} \ln(s_k) + \frac{\beta}{1-\alpha-\beta} \ln(s_h)$$

Ушбу тенгликни кичик квадратлар усули орқали тенглик параметрларини топиш мумкин.

Самуэльсон – Даймонд модели экзоген иқтисодий ўсиш модели бўлиб, у рақобат муҳитида ишлатилади, бошқа моделлардан фарқи шундаки вақт дискрет бўлиб ҳисобланади ва иқтисодий кўрсаткичларнинг олдинги давр билан ўзаро алоқадорлигида¹⁷.

Самуэльсон Йогенфон Бём – Баверко ғоясига кўра даромад фоизи ва капитал алоқадорлигини ўрганди. Иқтисодиётда икки турдаги индивидлар мавжуд, ёшлар ва қариялар. Ёшлар ишлашади ва ўз меҳнатлари эвазига даромад олишади. Қариялар ишламайдилар, улар ўзларининг жамғармаларини харажат қилишади. Модел, иқтисодиётда қанча жамғарилади, жамғарма қандай инвестицияга айланиши таҳлил қилинади.

1965 йилда Питер Даймонд Самуэльсон моделини ва Солоунинг иқтисодий ўсиш моделини бирлаштириб Рамсей моделини қўшимча қилди. Натижада “Авлодларни кесиб ўтувчи модел” юзага келди, ҳозирда ушбу модел Самуэльсон-Даймонд модели деб ҳам юритилади.

Моделнинг бир қанча шартлари мавжуд:

- Вакт дискрет ўзгаради;
- Иқтисодиёт ёпик турда;

¹⁷ Шараев Ю.В. Теория экономического роста. – М.: ГУ ВЭШ, 2006

- Фақат бир манфаат кўзланади, истеъмол қилиши мумкин, инвестиция қилиниши мумкин;
- Ишлаб чиқариш омиллари: меҳнат ва капитал;
- Ишлаб чиқариш функцияси доимо умумий ҳажмдан қайтим мавжуд;
- Техника тараққиёти доимо g суръатлар билан нейтрал;
- Соф рақобат муҳити, ишлаб чиқариш омиллари уларнинг чекланган маҳсулотлари бўйича тўланади;
- t вақт оралиғида L_t индивид туғилади;
- Аҳолининг доимий ўсиши n суръатлар билан, яъни $L_t = (1+n)L(t-1)$
- Ҳар бир индивид 2 даврда яшайди: ёшлик ва қарилик;
- Бошида барча капитал K_0 қариларда бўлади, бошқа даврларнинг бошидаги капитал ёшларнинг жамғармаларига teng $K(t+1) = s_t L_t$;
- Ёш индивид 1 та меҳнат таклиф қиласди (меҳнатга таклиф ноэластик) ва натуранал иш ҳаққи олади (товар кўринишда);
- Капитал чиқими экзоген ва доимий бўлиб ҳисобланади, капитал қўйилмалар лаги мавжуд эмас.

t вақт мобайнида L_t ёшлар ва $L(t-1)$ қариялар яшайди. Ёшлигида индиви туғилади ва ишлайди. Меҳнат учун олинган иш ҳаққи истеъмол қилинади ва жамғарилади. Қариликда индивид ишламайди ва ҳеч қандай даромад олмайди, у фақат ўз жамғармаларини ишлатади ва ўлади. Умрининг охирида қариялар барча жамғармаларини истеъмол қилишади ва ҳеч қандай меърос қолдирмайдилар, ёшлар ҳам қарияларга ёрдам беришмайди.

Рамсей – Касса – Кумпанс модели ёки Рамсей модели – эндоген иқтисодий модели бўлиб, мутлоқ рақобат муҳитида уй хўжаликлари ва фирмаларнинг истеъмол ва жамғарма чегарасини оптималлаштиришга қаратилган.¹⁸

Моделда доимий фаолият юритаётган уй хўжаликларидан фойдаланилади. Уларнинг истеъмол ва жамғарма динамикасини олдинги

¹⁸ Шараев Ю.В. Теория экономического роста. – М.: ГУ ВЭШ, 2006

йилларга қараб ўрганилади. Мутлоқ рақобат ва ёпиқ иқтисодиёт ҳолати тассавур этилиб, реал ўзгарувчилар орқали ифодаланилади.

Истеъмол танлови вазифалари. Уй хўжаликларни доимий фаолият юрутувчи деб ҳисобланади. Шартли равишда, ушбу уй хўжаликларининг танловлари доимий яшовчи индивидга тенглаштирилади, бу орқали ҳозирги ва келажакдаги ва ресурслар ҳолатини ҳисобга олади. Бу индивиднинг нафлийк функцияси, барча аҳоли учун тегишли бўлиб, у қўйидаги кўринишга эга:

$$U = \int_0^\infty u(c_t) e^{-pt} dt$$

бу ерда, c_t - т вақтда аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол, р-ижобий дисконт коэффицент, аҳолининг танловини ифода этувчи.

Нафлийк функциясидаги $u(c_t)$ ушбу вақт факат истеъмолга боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, $(u'(c_t))$ чекланган нафлийк ижобий ва камаювчи функция хосасига эга деб таҳлил қилинади.

Индивиднинг даромадлари иш ҳақидан w_t ва активлар даромадидан $r_t a_t$, индивидга тегишли ва r_t даромадга эга бўлишига боғлиқ. Шу билан, вақт мобайнида активларнинг бир бирликка кўпайиши $w+ra-c$ орқали ифодаланилади. Аҳолининг n саръатлар билан кўпайишини инобатга олиш керак бўлади, активларининг ҳар вақтда $n-a$ тезлик билан камаяди. Индивиднинг бюджет чагараси функцияи қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$^*a = ^*w + ra - c - na$$

Истеъмолчи фаолиятини оптималлаштириш масаласи қўйидаги максималлаштириш шартлар асосида тузилади:

$$H = u(c_t) e^{-pt} - \lambda(w + ra - c - na)$$

максимум шарти:

$$\lambda = u'(c_t) e^{-pt} \text{ ва } \dot{\lambda} = -(r-n)\lambda$$

Бу ердан истеъмол динамикаси топилса, қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\frac{\dot{c}}{c} = \frac{1}{\theta} (r - n - p)$$

бу ерда, $\theta = -\frac{u''(c)}{u'(c)}$ * с – истеъмол бўйича чекланган нафлийк эластиклиги.

Статсионар ҳолатни таъминлаш учун, ҳамда θ асимтотик доимий катталикка интилиши учун, $u(c)$ нафлилик функцияси ўрнига қўйидаги функциядан фойдаланилади:

$$u(c) = \frac{c^{1-\theta}-1}{1-\theta}$$

Фирма вазифалари. Фирма доимий фаолият кўрсатиб келиб, унинг ишлаб чиқариш функцияси неоклассик бўлиб, у Солоу моделидайдир. Мехнат самарадорлигини g суръатлар билан ўсадеб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш функциясини бир ўзгарувчи билан ифодаласак $Y = LEf(k)$, бу ерда $K = \frac{K}{LE}$ – доимий самара берувчи капитал билан қуролланиш. Қўйидаги тенгликларни келтириб чиқарамиз:

$$\begin{aligned} Y' &= LE f'(k)/LE = f'(k) \\ Y'_l &= [f(k)-kf'(k)]E_t = [f(k)-kf'(k)]e^{gt} \end{aligned}$$

Соддалаштириш мақсадида, меҳнат самарадорлиги 0 вактда 1 тенг, шунинг учун меҳнат самарадорлигини қўйидагича ифодалаш мумкин: $E_t = e^{gt}$. мутлоқ рақобат муҳитида омилларнинг чекланган маҳсулоти, омиллар нахига тенг. Меҳнат ресурсларининг нархи уларнинг иш ҳаққига w тенг, капитал нархи $r+\delta$ га тенг, бу ерда δ капиталнинг аммортизация сумма. Булардан келиб чиқиб қўйидаги тенгламани тузилди:

$$\begin{aligned} f'(k) &= r + \delta \\ [f(k)-kf'(k)]e^{gt} & \end{aligned}$$

Умумий иқтисодий тенглик. Ёпик иқтисодиётни кўриб чиқилиши сабабли, капитал резидентга тегишли ҳар бир ишчига тўғри келадиган капитал K/L активга тенг a . Солоу моделига асосланиб, доимий самарадорликка эга меҳнатнинг капитал билан қуролланиш тенгламасини тузиш мумкин:

$$\dot{k} = f(k) - \hat{c} - (n + g + \delta)k$$

бу ерда, $\hat{c} = C/E$ -доимий самарадорликка эга ҳар бир ишчига тўғри келадиган истеъмол.

$\widehat{c^*}/\widehat{c} = \dot{c}/c - g$ ни ҳисобга олиб, истеъмолчи вазифаси тенглигидан келиб чиқиб қуидагини келтириб чиқарамиз:

$$\widehat{c^*}/\widehat{c} = \frac{1}{\theta}(r - n - p - g\theta)$$

ёки

$$\widehat{f}(k) = r + \delta$$

тенгликдан келиб чиқиб r ни k ва n орқали ифодалаймиз:

$$\widehat{c^*}/\widehat{c} = \frac{1}{\theta}(\widehat{f}(k) - \delta - n - p - \theta g)$$

Ушбу дифференциал тенглик k капитал билан қуролланиши дифференциал тенглиги билан ифодалаш, берилган модел доирасида иқтисодиёт динамикаси ифодаланилади.

Солоу моделида истеъмолни максималлаштирадиган, жамғарманинг олтин қоидаси белгиланган эди. Рамсей моделида ушбу қоидага янгича ёндашилиб, қуидаги шаклга келтирилди:

$$\widehat{f}(k) = \delta + n + p + \theta g$$

бу билан ҳар бир кишининг истеъмол ҳажмининг ортиши “ g ” суратларда амалга оширилади.

Гравитацион модел шаҳарлар, ҳудудлар, давлатлар ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий ўзаро таъсирини акс эттиради.¹⁹ Иқтисодиётни ҳудудлар таҳлилида ҳам фойдаланилади. Айнан шу модел қайта ишланиб урбанизация жараёнини, ишлаб чиқаришни жойлаштириш, экспортғимпорт ўзаро алоқалари, аҳолининг миграцияси тадқиқ қилинади.

Ушбу модел таклиф модели сингари кўрсаткичга тўғри пропорционал ва уларнинг орасидаги масофага тескари пропорционал.

$$M_{ij} = k \frac{P_i P_j}{d_{ij}^2}$$

бу ерда, M_{ij} – i ва j кўрсаткичларининг ўзаро таъсири, k – мос келиш коэффиценти, P_i – i ва j объектининг катталиги, d_{ij}^2 – объектлар ўртасидаги масофа.

¹⁹ Шараев Ю.В. Теория экономического роста. – М.: ГУ ВЭШ, 2006

Давлатнинг олиб бораётган иқтисодий сиёсатининг иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганиш, эндоген иқтисодий моделларнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Кўплаб неоклассик моделларда иқтисодий ўсишга давлатнинг иқтисодий сиёсатини экзогендеб қабул қилиб, у фақат барқарор шароитдаги таъсири ифода этилади. Агар иқтисодий ўсиш бўлиб, истеъмол Рамсей моделига мувофиқ бўлса, моделга солиқ ставкасини киритиш мумкин бўлади. Солиқ ставкасини оптималлаштириш учун турли хил модел варианtlари мавжуд. Солиқ ставкасини Рамсей моделига киритишнинг умумий кўриниши қуидагича²⁰:

$$g^* = \sigma(r-\tau-p)$$

бу ерда, τ - солиқ ставкаси.

Иқтисодчи олимларнинг диққат марказида масалалардан бири, бу давлат ноишлаб чиқариш соҳасига қиласиган харажатларнинг, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ЯИМ хажмига таъсирини ўрганишdir. Кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, давлат ноишлаб чиқариш соҳасидаги харажатлар, иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади. Чунки давлатнинг ноишлаб чиқариш соҳасига қиласиган харажатларнинг кўпайиши, инвестиция ва трансферт тўловларнинг қисқаришига олиб келади..

Давлат бюджет харажатларини (давлат харажатлари ва трансферт тўловлари) кўпайтириш ёки қисқартириш орқали мамлакат иқтисодиётiga аралашади. Давлат томонидан тартибга солишининг бевосита усуллари ёки бюджет сиёсати товар ва хизматларнинг давлат хариди, ЯИМни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар қисмидаги мутаносибликни таъминлаш, ишлаб чиқарувчиларга молиявий ёрдам шаклларини кўрсатиш, баҳолар устидан назорат ўрнатиш, экспорт ва импорт қилинадиган товарларга квоталар ўрнатиш ва шунингдек, мамлакат аҳолисини ҳимоя қилиш мақсадида олиб борилаётган чора-тадбирлар

²⁰ Шараев Ю.В. Теория экономического роста. – М.: ГУ ВЭШ, 2006

мажмуасидан иборат. Давлат бюджетининг тақчиллиги иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, бюджет тақчиллигини тўлдириш учун, давлат муомилага қиммат баҳо қағозларни чиқаради, натижада эса истеъмол ҳажми қисқаради. Истеъсол ЯИМни асосий ташкил этувчилардан бири бўлганлиги сабабли, иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади. Олиб борилган тадқиқотлар натижалари кўрсатадики, давлатнинг ноилаб чиқариш соҳасига салбий таъсир кўрсатса, ишлаб чиқариш соҳасига қилган харажатлар ижобий таъсир кўрсатади, чунки, ишлаб чиқаришга қилинган харажатларнинг бир қисми инвестиция, трансфер тўловлар, субсидиялар кўринишида бўлади

Давлат томонидан кўрсатиладиган молиявий ёрдамлар дотация, субвенция ва субсидия шаклларида олиб борилади. Субсидиялар пул ёки натура кўринишидаги ёрдам тури бўлиб, бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlардан кўрсатилади. Субсидиялар бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Бевосита субсидияларга капитал қўйилмалар, илмий тадқиқотлар, кадрларни қайта тайёрлашга ажратилган маблағлар кирса, билвосита субсидияларга солик имтиёзлари, имтиёзли шартларда кредитлар бериш, пасайтирилган божхона божлари ва бошқалар киради.

Бундан ташқари давлат аҳолини давлат трансфертлари кўринишида ҳимоя қиласи. Бозор иқтисодиёти шароитида кўп қиррали солиқлар тизимидан фойдаланилди. Аҳоли давлат бюджетига ҳар ойда олган даромадларига қараб даромад солиги тўлайди, корхоналар эса олган фойдасига қараб фойдадан солик тўлайдилар. Шу каби жуда кўп мавжуд солик турларидан оқилона ва илмий асосда фойдаланиш орқали давлат солик сиёсатини, солик ставкалари миқдорларини ва имтиёзлари турларини аниқлайди ва шу билан бутун макроиқтисодий вазиятга таъсир кўрсатади. Солиқларни ўзгаришиш орқали инвестициялар ва жамгармалар рағбатлантирилади.

Пул-кредит сиёсати мамлакатда пул массасини тартибга солишга қаратилган ва унинг асосий вазифаси баҳолар ва реал миллий ишлаб

чиқариш ҳажмининг ўсишига мос келадиган пул массасини таъминлашдан иборат. Бу сиёсатнинг асосий воситаси Марказий банк томонидан амалга ошириладиган ҳисоб ставкасини тартибга солиш, тижорат банкларининг мажбурий равишда Марказий банкда сақлайдиган захиралари нормасини ўзгартириш, қимматли қоғозлар бўйича очиқ бозордаги операцияларни йўлга қўйиш ва шунингдек, бошқа тадбирлардир. Пул массаси ва инфляциянинг мамлакат иқтисодий ўсишига таъсирини ўрганиш борасида кўплаб назарий ва амалий тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу тадқиқотлар натижаси кўрсатадики, агар мамлакатда табиий инфляцион жараён мавжуд бўлса иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатмайди. Шу жумладан пул массаси ҳам, иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатмайди. Агар мамлакатда инфляцион жараён жадал авж олса иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади. Пул массаси инфляция билан тўғридан-тўғри алоқага эга бўлиб, пул массасининг ҳаддан ортиқ кўпайиши инфляцион жараённи жадаллаштиради.

Иқтисодиётни тартибга солиш воситаларидан яна бири давлат томонидан иқтисодиёт келажагини олдиндан тахминлаш (прогнозлаш) ва уни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш ҳисобланади. Давлат бюртмасига асосан узоқ ва қисқа муддатларга мўлжалланган прогнозлар тузилади. Прогнозларда ресурслар, технология, ички бозор ҳажми ва таркиби, экспорт ва импорт, давлат харажатлари, ишлаб чиқариш таркибидаги ўзгаришлар, математик моделлар асосида ҳисоб-китоб қилинади ва иқтисодиётнинг қайси йўналишда ривожланиши аниqlанади.

Давлат монополияни чеклаш ва рақобат муҳитини яратиши зарур. Бу вазифа монополияга қарши қонунларга таянилган ҳолда олиб борилади. Ўзбекистон Республикасида бу вазифани амалга ошириш Монополиядан чиқариш рақобат ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш Давлат қўмитаси зиммасига юклатилган.

Монополлашувга қарши кураш мақсадларида монопол корхоналар реестри тузилади. Бунда монопол корхоналар табиий монополия ва табиий

монополия ҳисобланмаган корхоналарга бўлинади. Табиий монопол бўлмаган корхоналарни монополиядан чиқариш чора-тадбирлари кўрилади. Табиий монополиялар объектив шарт-шароитларга кўра монопол бўлиши зарур, ёки монополиядан чиқариш иложсиз бўлган корхона ёки тармоқлардир. Табиий монополист корхоналар ўз мавқеъларидан фойдаланиб маҳсулоти ва хизматлари баҳосини асоссиз кўтариб юборишларига йўл қўймаслик учун уларга рентабеллийкнинг юқори чегараси белгилаб берилади. Бозор тизими ривожланиши билан мамлакат аҳолиси оладиган даромадлар ва қиласидиган харажатлар ўртасида номутаносибликлар пайдо бўлади. Бу каби муаммоларни ҳал қилишда давлат асосий аҳамиятга эга. Яъни, давлат жамиятдаги даромадлар номутаносиблигини камайтириш вазифасини бажаради.

Биринчидан, трансферт тўловлари орқали ёрдамга муҳтоҷ, боқиманда, ногирон ва ишсизларни нафақалар билан таъминлайди. Иккинчидан, давлат бозорга аралашуви орқали даромадлар тақсимланишини ўзгартиради.

Мамлакат худудлари ва иқтисодиёт тармоқлари ўртасида умумдавлат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ресурсларни қайта тақсимлаш давлатнинг муҳим функцияларидан биридир.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, ижтимоий аҳамиятли, аммо фойда кўриб ишламайдиган тармоқ ёки корхоналарни кўллаб қувватлаш мақсадлари давлат бюджети орқали даромадлар ва ресурсларни тамоқлар орасида қайта тақсимлаш заруриятини туғдиради.

Бу вазифа барча тармоқлардан олинган солиқ тушумлари ҳисобига молиялаштириладиган марказлашган инвестиция маблағларини устивор тармоқларга йўналтириш, шу тармоқларга солиқ имтиёзлари, субсидиялар, имтиёзли кредитлар ажратиш орқали амалга оширилади.

Коммунал хўжалик, шу жумладан жамоат транспорти каби соҳалар иқтисодиёт тармоқларининг самарали ишлиши, нормал ҳаётий фаолиятни йўлга қўйиш учун зарур хизматларни кўрсатгани ҳолда рентабелли соҳалар бўлмагани учун ҳам давлат бюджетидан дотация оладилар.

Мамлакат ҳудудларининг ресурс салоҳияти бир хил эмаслиги, аҳоли зичлиги, саноат тармоқларининг ривожланиши даражаларидағи фарқлар туфайли аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, саноат маҳсулоти, пуллик хизматлар, пуллик даромадлар каби кўрсаткичлар ҳудудлараро фарқ қиласи. Бу фарқларнинг уқурлашуви, ўз навбатида миллий иқтисодиёт самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади, шундай ҳам ривожланиш дарожаси паст ҳудудлардан капитал қочиши ҳолатлари рўй бериши мумкин. Бу эса турли ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий ривожланиш даражаларида мавжуд бўлган фарқни янада чуқурлаштиради.

Давлат бюджет-солик ва пул кредит сиёсати воситаларидан фойдаланган ҳолда иқтисодий кўрсаткичлар даражасидаги ҳудудий тенгсизлик даражасини юмшатиш учун ресурсларни қайта тақсимлайди. Ресурсларга бой, саноати ривожланган ҳудудларнинг давлат бюджети даромадларидағи улуши юқори бўлгани ҳолда бюджет маблағлари ҳудудлар ўртасида ижтимоий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда, кам ривожланган ҳудудлар ривожланиши даражасини жадаллаштириш мақсадларини кўзлаб тақсимланади.

Давлат ишлаб чиқариш маҳсулотларини истеъмоли иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳолатни таҳлилини ишлаб чиқишида, ишлаб чиқариш функцияси Коба-Дуглас функциясидан фойдаланамиз.²¹

$$Y_i = AL_i^{1-\alpha} K_i^\alpha G_i^{1-\alpha}$$

бу ерда, $0 < \alpha < 1$, G_i – жамият манфаатлари, давлат томонидан ишлаб чиқарувчига етказилади, L_i - фирмалар томонидан ишлатиладиган ишчи кучи, $L_i = \text{const.}$

Давлат бюджети баланслашган ва τ солик ставкаси орқали молиялаштирилади.

$$G = \tau Y$$

²¹ Шараев Ю.В. Теория экономического роста. – М.: ГУ ВЭШ, 2006
44

Капитал нархи солиқ тўлангандан сўнг капиталга чекланган маҳсулотга тенг:

$$k_i = \frac{K_i}{L_i} = k, r + \delta = (1 - \tau)mpk = (1 - \tau)\alpha K_i^{\alpha-1} L_i^{1-\alpha} G_i^{1-\alpha} = (1 - \tau)\alpha A K^{\alpha-1} G^{1-\alpha}$$

Ишлаб чиқариш ва баланслашган бюджет тенгламасидан фойдаланиб қуидаги натижани оламиз: $G = (\tau AL)^{\alpha} * k$. Тенгликни чекланган маҳсулот тенгламасига қўйсакқуидаги натижани оламиз:

$$r + \delta = (1 - \tau)\alpha A^{1/\alpha} (L\tau)^{\frac{(1-\alpha)}{\alpha}}$$

Тенгликдан кўриниб турибдики, капиталнинг рента нархи доимий катталиkdir. Рента нархини Рамсейнинг оптималь ўсиш шартига қўйсак, баланслашган ўсишни оламиз:

$$g = g_c = \sigma(r - p - \delta) = \sigma[(1 - \tau)\alpha A^{\frac{1}{\alpha}} (L\tau)^{\frac{1-\alpha}{\alpha}} - \delta - p]$$

Тенгликнинг барча параметрлари константалиги сабабли унинг миқдори доимий бўлади. Фақатгина τ ва ρ миқдорлар ўзгарувчиdir. Ушбу йўл билан мамлакат икки ҳолатни баланслаштироқда. Биринчидан, солиқ ставкаси τ капиталнинг чекланган маҳсулотига таъсирини баланслаштироқда. Иккинчидан, аҳолининг солиқ ставкасга нисбаттан баланси. Солиқ ставкасини максимум баласлаштириш, давлат бюджетини оптималь ҳажмини белгилаймиз:

$$\frac{\partial Y}{\partial G} = (1 - \alpha) \left(\frac{Y}{G} \right) = \frac{1 - \alpha}{\tau}$$

Юқоридаги моделдан кўриниб турибдики давлатнинг ҳар бир иқтисодий ислоҳоти, иқтисодий ўсишга бевосита таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолатни қай даражада ташкил этиш давлат олиб бораётган иқтисодий ислоҳотларга боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий ўсишга мамлакатда мавжуд ижтимоий ва сиёсий ҳолатоар ҳам таъсир кўрсатади. Мамлакатда демократлашув даражаси иқтисодий ўсишга кучли таъсир кўрсатмайди. Лекин жамиятда демократик тамоилларни қўпол бузилиши иқтисодий ўсишга ўз таъсирини кўрсатади. Иқтисодий ўсишга тасир кўрсатувчи омиллардан бири бу сиёсий барқарорликdir. Мамлакат сиёсий барқарорликга эришиши иқтисодий ўсишга ижобий таъсир

күрсатади. Мамлакатда мавжуд хуфёна иқтисодиёт даражаси иқтисодий ўсишга салбий таъсир күрсатади. Давлатда қонун устуорлиги ўсишга ижобий таъсир күрсатади.

1.3 Иқтисодий ўсишни прогнозлаш усуллари.

Шундай қилиб, иқтисодиёт мураккаб тизим бўлиб, у яхлитлик, иерархик, эҳтимоллик каби хусусиятларга эга ва шу шароитда бошқарилади. Айтиб ўтилган хусусиятларни эътиборга олган ҳолда башоратлаштириш усулларининг таснифи тузилган. Башоратлаш усуллари биринчидан 2 та катта гурухга бўлинади: формал (формализациялашган) усуллар ва эвристик усуллар.

Шундай қилиб, илмий прогнозлашнинг энг муҳим шарти – прогнозлаштириладиган объекtlарни бошқарадиган қонунларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишдан иборатdir.

Объектив прогноз, тадқиқот конкрет материал асосида инсоннинг мақсадли фаолияти, иқтисодий жараёнларнинг объектив характерига, объектив детерминизмнинг сабабий қонунларига зид бўлмаслиги ҳақидаги умумий қоидани қўшимча равишда исботлаб беради.

Прогноз тадқиқотларни ташкил этиш – ишнинг аналитик босқичи ҳисобланади, прогнозлар тузиш услубиёти (прогнозлаш методологияси) эса келажакнинг ҳозирги ва ўтган давр билан генетик алоқасини очиб бериш учун хизмат қиласди.

прогнозлаш келажакни шакллантирадиган ҳозирги даврдаги омилларни аниқлашга ҳамда тараққиёт омилларига фаол таъсир күрсатадиган тавсияларни ишлаб чиқишига қаратилгандир.

Прогнозлаш масштабига кўра макроиқтисодий ва микроиқтисодий прогнозларга ажратилади.

Тузилиш интервали бўйича оператив, қисқа муддатли ва узок муддатли бўлиши мумкин. Қисқа муддатли башоратда фақат миқдорий ўзгаришлар эътиборга олинади. Узок муддатли башорат ҳам миқдорий, ҳам сифатоӣ ўзгаришларга асосланган бўлиб, ўз ўрнида ўрта муддатли ва узок муддатли

бўлиши мумкин.

Прогнозлаштириш йўналишларига кўра изланишли ва норматив бўлиши мумкин. Изланишли прогноз – агар ҳозирги тенденсиялар сақланиб қолса иқтисодий тизим қандай ривожланади? – деган саволга жавоб беради. Бошқача айтганда, тизимга таъсир этувчи омиллар ўзгармаса, у қандай ҳолатга келиши мумкин? Норматив прогноз бўлажак мақсадларга эришиш учун тизимни ривожланиш ёъналишларини ва муддатларини аниқлайди (белгилайди). Мақсад қилинган ҳолатга тизим эришиши учун, таъсир этувчи омилларга қандай ўзгаришлар киритиш зарур? Бошқача айтганда, қандай қилиб мақсадга эришиш мумкин.

Иқтисодий жараёнлар ёки бошқа кузатувлар натижасида миқдорий маълумотларга эга бўлмаган ҳолларда, яъни ҳодиса ёки жараён бўйича миқдорий маълумотлар этарли бўлмаса, у ҳолда эксперталардан фойдаланилади. Эксперталар маълум бир соҳа бўйича етакчи мутахассислар бўлиб, улар ўзларининг компетенсияси доирасида у ёки бу ҳодиса ва жараёнлар бўйича хulosалар ишлаб чиқадилар.

Эксперталар (лотинча «тажрибали») амалга оширадиган экспертиза жараёни уч босқичдан иборат:

- 1) экспертизага тайёрланиш;
- 2) эксперталар билан сўров ўtkазиш;
- 3) сўров натижаларини қайта ишлаш.

Эксперталарнинг ўзлари иккинчи босқичда қатнашадилар.

Тайёргарлик иши уч қисмдан иборат:

- 1) савол шакли ва мазмунини белгилаш;
- 2) саволларни тузиш;
- 3) экспертларни шахсан танлаш ва жалб этиш.

Сўров шакллари: интервю олиш, мулоқот, йиғилиш, ғояларни танлаш, ўйинлар ўтказиш, анкета тузиш ва Делфи усули.

Сўроқлар индивидуал ёки гурухларда, юзма-юз ёки сиртдан ўтказиш мумкин.

Анкета ва интервюларда саволни танлаш қийин. Саволлар очиқ ёки ёпиқ ёки бир неча шаклда бўлиши мумкин. Очиқ жавоблар сифатли (сифат белгиларини кўрсатб), ёки эркин ҳолда сонли ифодалар тарзида бўлади.

Ёпиқ саволга жавоблар, масалан, «ҳа», «йўқ», «бilmайман» сингари бўлади. Кўп саволлар бўлганда, зарур жавоб чизилади.

Авваламбор, экспертларни танлаш, уларнинг малакаларига эътибор бериш ва кейинчалик гурухлар тузиш зарур.

Керакли белгилардан: экспертнинг ишchanлиги, маҳорати, ўрганилаётган соҳанинг мутахассиси бўлиши муҳим. Бунинг учун кўп мутахассисларга савол берилиб, у ёки бу соҳада ким эксперт эканлигини сўраш мумкин. Кейинчалик, энг кўп овоз олган экспертни гурухга киритилади:

$$X_{ij} = \begin{cases} 1 \\ 0 \end{cases}.$$

Ишбилармонлик билан бирга, иштирокчиларнинг бошқа сифатлари, муаммога илмий ёндашиши, фикрлаш доираси ва савияси ҳам ҳисобга олинади.

Гурухлардаги эксперталар сони сўров усулига боғлиқ. Юзма-юз учрашув учун 10-15 киши кифоя. Агар вақт, меҳнат ва маблағ сарфи чекланмаган бўлса, сиртдан сўроқ ўтказганда, эксперталар сони кўпроқ бўлади.

Делфи усули АҚШ да XX асрнинг 60-йилларда яратилган. У сиртдан сўров ўтказишга асосланган. Унинг хусусиятлари: сиртқи, аноним, сўровлар бир неча босқичларда ўтказилади ҳамда тескари алоқа мавжуд, биринчи турдан ташқари ҳар гал эксперталар олдинги турдаги натижалар ҳақида аҳборот олишади.

Дастлаб эксперталарга анкеталар тарқатилади, унда муаммо изоҳланади, саволлар рўйхати ва унга жавоб бериш тартиби ва тавсифи келтирилади.

Эксперталар жавоблари имзо қўймасдан почта орқали жўнатилади. Ташкилотчилар эксперталар жавобларини қайта ишлайди, умумий баҳо чиқаради. Мазмун жиҳатдан, жавоблар учун ўртачалар, фарқлар ва дисперсия ҳисобланади. Бир ой ўтгандан кейин иккинчи тур ўтказилади. Эксперталарга

биринчи тур натижалари баён қилиниб саволлар берилади. Биринчи тур жавобларини инобатга олиб, эксперталардан саволларга жавоб бериш сўралади. Жавоблар яна умумлаштирилиб, зарур бўлса, яна қўшимча турлар ўтказилади. Агар учинчи турдан сўнг жавоблардаги фарқлар катта бўлмаса, сўров ўтказиш тўхтатилади. Охирги тур натижалари умумлаштирилади ва тугалланган ҳисобланади.

Агар жавоб сонли микдорларда бўлса, жами эксперталар гурухининг жавобини баҳолаш учун арифметик ўртача, медиана ва мода топилади. Фикрлар фарқини баҳолаш учун, вариатсия, квадратик фарқ, дисперсия ва квартиллар ҳисобланади.

Эксперт баҳолашнинг айрим усулларида, жумладан Делфи усулида, медиана, биринчи ва учинчи квартиллар ҳисобланади.

Арифметик ўртачага нисбатан медиананинг афзаллиги шундаки:

- биринчидан, медиана айрим экспертлар фикрига тўғри келиши;
- медианага айрим экспертларнинг жавоби ўртачадан фарқ қилиши таъсир қилмайди;
- иккинчидан квартил медиана билан мос келади.

Шунинг учун, Делфи усулида ҳар бир турда медиана, биринчи ва учинчи квартиллар ҳисобланади.

Бирор-бир иктисодий системада бир турли махсулот ишлаб чиқариляпти ва таксимланаяпти деб фараз қилайлик. Планли давр бошида махсулот запаси (оборот фонди) $O_x > O$ нинг борлигига асосланган махсулот сарфининг интенсивлиги X га teng, жонли меҳнатнинг мавжуд ресурслари унинг L интенсивлигига сарфлашни таъминлайди. Иктисодий системанинг чикиш сигнали (ялпи махсулотнинг интенсивлиги) ни Z билан белгиланади. Ялпи махсулот интенсивлигидан кисман меҳнат предмети ва кисман истеъмол предмети сифатида C интенсивлигига истеъмол қилинади.

Иктисодий системанинг стационар режимини топиш талаб қилинсин. Бу даврда бошлангич запасининг микдори ўзгармас булганда ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг берилган даражаси таъминланади. Бундай режим, сўзсиз,

ташкаридан күшимча ишлаб чикариш омилларини жалб қилиш хисобига таъминланади.

1-БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

Мамлакат иқтисодий ривожланиши натижасида иқтисодий ўсиш таъминланади. Иқтисодий ўсиш миқдорий кўрсаткич бўлса, иқтисодий ривожланиш сифат кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий ўсишга икки йўл билан эришилади. Экстенсив иқтисодий ўсиш, ўсишга кўшимча ресурс жалб этган ҳолда эришилади. Интенсив иқтисодий ўсиш, ўсишга илмий – техника тараққиёти ютуқларини иқтисодиётга жалб этган ҳолда эришилади. Ушбу турлардан иқтисодиётда соф ҳолда учрамайди, факат уларнинг бирининг улуши иқтисодий ўсишда устунликка эга бўлади. Иқтисодий ўсишда интенсив омилларнинг улушкини кўпайтириш муҳим бўлиб ҳисобланади. Буни амалга оширишда билимларга асосланган иқтисодиётга ўтиш муҳимдир. Давлат асосан инсон капитали ривожланишига ўз эътиборини қаратиши лозим бўлади. Чунки, табиий ресурслар, техника жиҳозлар ишлатилиш давридан кшра инсон капиталининг ишлатилиш даври узоқ бўлиб, у доимо риводланишда. Қолаверса, барча илмий янгиликлар инсон капиталининг камолоти натижасида юзага келади. Шунинг учун, инсон капиталининг ривожланиши мамлакат барқарор иқтисодий ўсишга таъсир этувчи энг асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий ўсиш назариясида кўплаб иқтисодий ўсиш моделлар ишлаб чиқилди. Масалан, кейнис мактаби иқтисодчилари томонидан ишлаб чиқилган талаб тенгламаси, таклиф тенгламаси, талаб ва таклифнинг мувозвинти тенгламаси, домарнинг ушбу тенгламаларга акселератор принсипини ишлтилиши, кейнснинг иқтисодий ўсишини янгиланган кўриниши ва бошқалар. Ушбу мактаб ўсиш моделларнинг камчилиги, ўсишда инсон капитали, техника тарққиёти моделга киритилмаганлиги бўлиб олиб бориладиган прогноз натижаларида инбатга олимаган омилларнинг таъсири ортиб боришидадир. Неоклассик мактаби намоёндалари томондан ишлаб чиқилган ўсиш моделлари Коба-Дугласнинг ишлаб чиқариш

функциясидан фойдаланиб иқтисодий ўсишга таъсир этувчи индикаторларнинг ўзаро алоқадорлиги кўрсатиб берилган. Неоклассикларни илк ўсиш моделларидан энг тақсимга лойиқ моделлардан бири бу, Р. Солоунинг иқтисодий ўсиш моделидир. Ушбу модел камчилиги шундаки илмий техника тарқиётининг экзогенлигидадир. Инсон капитали ҳақида тушунчаларнинг юзага келиши ушбу омилиниг ўсишдаги аҳамияти ўрганилишига туртки бўлди. Неоклассик мактаби номоёндалари Г. Менкью ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган ўсиш моделида меҳнатнинг таркибидан инсон капиталини ажратилиши техник тарақиётнинг эндогелашувига олиб келди. Ушбу моделларнинг камчилиги ўсишда табиий экологик омилларнинг ҳисобга олинмаганлигидадир. Ҳозирги кунда иқтисодий ўсиш моделлари такомиллаштириб борилмоқда ва унга таъсир этувчи бевосита ва билвосита омиллар инобатга олиниб моделлаштирилмоқда.


Мамлакат иқтисодий ўсиш суръатлари қай даражада бўлиши, уни кўтарилиши ва пасайиши умуман иқтисодий ривожланишда давлатнинг иқтисодий сиёсатининг ўрни каттадир. Давлат томонидан олиб бориладиган солиқ бюджет сиёсати, пул кредит сиёсати, инфилляция сиёсати, мамлакат мавжуд иқтисодий ижтимоий барқарорлик ҳолатлари, мамлакатда қонунларнинг ишлаши, демократлашув жараёни ва давлат харажатлари таркиби иқтисодий ўсишга катта таъсир кўрсатади. Юқорида олиб борилган таҳлилнатижалари кўрсатадики давлат ушбу ҳолатларни баланслаштириши, мамлакат барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашга замин яратади.

2-БОБ.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1 Ўзбекистон Республикасининг макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси таҳлили

Мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳа ва тармоқларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси йилдан-йилга тобора ортиб бораётгани мустақиллигимиз тараққиётининг дастлабки йилларида халқимиз танлаб олган ривожланиш йўли нақадар тўғри ҳамда пухта асосга эга эканини, энг муҳими, уларнинг негизида фуқароларимизнинг ҳаётий орзу-интилишлари ва манфаатлари ўзини яққол ифодасини топгани бугунги кунда кўплаб амалий мисолларда намоён бўлмоқда. Бунга яққол мисол номинал ЯИМ 2000 йилга нисбаттан 2013 йилда қарийб 30 бараварга ошганлигидир. Мамлакат иқтисодиёти ҳакида аниқ ҳолатини баҳолашда жорий нархларда эмас, балки солиштирма нархларда ҳисоблаб таҳлил қилиш самарали бўлиб ҳисобланади. Чунки солиштирма нархларда таҳлилни олиб боришда мавжуд инфляцион жараён ҳисобга олинмайди. Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий соҳани модернизациялаш жараёни 2000 йил охири 2001 йил бошларига тўғри келганлиги сабабли, бу ерда 2000 йилни базис йил сифатида оламиз. Мамлакат иқтисодиётини умумий тасвирлаб берувчи кўрсаткич бу мамлакатнинг ЯИМ бўлиб уни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

1 – расмдан кўриниб турибдики мамлакатимизда олиб борилаётган самарали иқтисодиётни модернизациялаш ислоҳоти натижасида, республика реал ЯИМ ҳажми 2000 йилга нисбаттан 2012 йилда қарип 2,3 баробарга ошди. Республикада кўлай инвестицион ва тадбиркорлик муҳитининг яратилганлиги учун, 2000 йилга нисбаттан 2012 йилда реал саноат маҳсулотлари ҳажми 1,7 баробарга, реал қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 2,1 баробарга, қурилиш маҳсулотлари ва транспорт ва алоқа хизматлари ҳажми 3,1 баробарга ошди.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулот таркиби таҳлили (2000 йил нархларида млрд. сўм).²²


Тадбиркорлар ва инвесторни давлат томонидан рағбатлантириш учун уларга кўплаб солик имтиёzlари берилди, лекин солик савқасининг тушиши солик базасининг кенгайишига олиб келди, натижада мамлакат маҳсулотларга солинадиган соф соликлар ва экспорт-импорт операциялар ҳажми 2000 йилга нисбаттан 2012 йилда 2.4 баробарга ошди. Бундай натижалар мамлакат иқтисодиёти барқарор иқтисодий ўсиш тенденцияларда ўсаётганлигидан далолат беради.

Мамлакат келажакда барқарор ўсиш натижаларни бериши учун иқтисодиёт тармоқларни ЯИМдаги улуши, уларни ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш муҳим ҳамият касб этади.

2-расмдан кўриниб турибдики саноат маҳсулотлари ЯИМнинг 2000 йилда 14,2 %ни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич қариб 24 %ни ташкил этмоқда, бу мамлакатимизда саноат дастурини амалга оширилаётганлигидан далолат беради. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми йилдан йилга кўпайиб борсада ЯИМдаги улуши 2000 йилда 30 % дан

²² Манба: www.stat.uz маълумотлари асисосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


ортиқ бўлса, 2012 йилда қаридан 17,5 %га етган. Бу республика ЯИМ ҳажмининг кўпайиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига боғлик бўлиб қолмаганлигини англатади. ЯИМ ўсишига асосан транспорт алоқалари, касаначилик, оиласвий тадбиркорлик, кичик бизнес, хизматлар ва бошқа иқтисодиёт тармоқлари риожланиши ва ЯИМдаги улумининг ортиши нитижасида эришилмоқда. Маҳсулотларга солинадиган соф соликлар ва экспорт-импорт операцияларидан тушум ҳажми ортгани билан, унинг ЯИМдаги улуши 2000 йилда 12,5%дан ортиқ бўлса, 2012 йида бу кўрсаткич 7,7 %ни ташкил этмоқда.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқларининг ЯИМдаги улуши (%).²³

Бу кўрсаткичлар малакат иқтисодиёт тармоқлари нисбаттан баланслашган тарзда ривожланаётганлигидан, бу эса мамлакатнинг иқтисодиёти айнан бир соҳа ёки бир тармоқга боҳланиб қолмаганлигидан далолат беради.

²³ Манба: www.stat.uz маълумотлари асисосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



3-расм. Саноат маҳсулот тармоқлари таҳлили (2000 йил нархларида млрд. сўм).²⁴


3-расмдан кўриниб турибдики, республика саноат маҳсулотлари ҳажми ўсиш тенденциясига эга ва у 2000 йилга нисбаттан 2013 йилда 3 баробарга ошган. Жумладан: ёқилғи саноати 1.9 баробарга, қара metallurgiya 3.1 баробарга, рангли metallurgiya 1.2 баробарга, кимё ва нефт-кимё соҳаси 3.5 баробарга, машинасозлик ва метални қайта ишлаш 13 баробарга, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қофоз саноати 7.7 баробарга, енгил саноат 3.1 баробарга, озиқ овқат 5 баробарга 2000 йилга нисбаттан 2013 йилда ошган.

Бу кўрсаткичлар мамлакатимиз иқтисодиёти саноат тармоғининг жадал ривожланаётганлидан далолат беради. Лекин мамлакатимиз аҳоли сони ва уларни таълим олиш шароитларини инобатга олиб, шбу ўрсатгичлар янада юқори даражада бўлиш имкони мавжуддир.

Саноат тармоқларини ривожлантириш, уларни ўзаро муттаносиблиги таъминлаш, тармоқни барқарор ривожланиш истиқболларини тузиш учун саноат тармоқларининг саноат маҳсулотларидағи улушини кўриб чиқиши мухимдир. 4-расмда кўриниб турибдики 2000 йилда саноат маҳсулотлари таркиби асосий қисмини енгил саноат тармоғи 19.1 %ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2013 йилда 13 %ни ташкил этмода, бу билан енгил саноат маҳсулотларининг камаймаган аксинча кўпайган, лекин саноат тармоқларининг бошқа тармоқлари ривожланиб ўзаро мувозанатлашган. Қазиб олиш тармоқларидан ёнилғи саноати 2000 йилда 15.3 %ни ташкил

²⁴ Манба: www.stat.uz маълумотлари асисосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

этган бўлса, 2013 йилда 9.5 %ни ташкил этмоқда, рангли металургия саноати 2000 йилда 10.2 %ни ташил этган бўлса 2013 йилда 9.5 %ни ташкел этмоқда.




4-расм. Ялпи саноат маҳсулотда саноат тармоқлариниг улуси (%).²⁵

Бу кўрсаткичлар мамлакатимизда қазиб оловчи тармоқларнинг улуси йилдан йилга камайиб бараётганлигидан далолат беради. Ҳозирги кунда оқсаётган тармоқлардан бири бу қора металлургия тармоғи бўлиб, у 2013 йилда ялпи саноат маҳсулотининг 2.4 %ни ташкил этмоқда. Бунинг сабаби шундаки мамлакатимиз табиий географик жойлашувиdir. Ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза қағоз саноатининг 2013 йилда 1.2%ни ташкил этиши , мамлакатимизда керакли хом ашёning етарли даражада мавжуд эмаслигидадир. Лекин ҳозирги кунда мамлакатимизда кўплаб ўрмончилик хўжаликлари ташкил этилмоқда, бу сай ҳаракатлар эса келажакда ушбу тармоқни ривожланишига туртки бўлади.

Қўпгина саноат тармоқларининг хом ашёси ва истеъмол саватчасининг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимизда ушбу соҳада кўплаб ислоҳотлар олиб олиб борилмоқда: фермер хўжаликларни оптималлаштириш, қишлоқ жойларида коммуникацияни ривожлантириш, қишлоқларда саноатни ривожлантириш,


²⁵ Манба: www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

қишлоқ хўжалиги корхоналарида лизинг хизматини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарига кредит ажратишни соддалаштириш ва бошқалар.



5 – расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркиби (2000 йил нархларида млрд. сўм).²⁶

Сўнги йилларда мамлакатимиз ялпи маҳсулотида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини улуши камайиб бормоқда, лекин умумий ҳажмий ортиб бормоқда. Бу билан қишлоқ хўжалиги тармоқлари интенсив ўсиш тенденциясига ега. Ушбу соҳада аниқ тасаввурга эга булиш учун ушбу соҳа ривожланиш тенденцияларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.



6 – расм. Асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўзгариш динамикаси.²⁷

²⁶ Манба: www.stat.uz маълумотлари асисосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

5 – расмдан кўриниб турибдики мамлакатимизда олиб борилаётган аграп ислоҳотларни самараси сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 2000 йилга нисбаттан 2013 йилда 2.2 бараварга ошганлигидир. Шу жумладан дехқончилик маҳсулотлари 2.3 бараварга, чорвачилик маҳулотлари 2.1 бараварга ошган. Мустақиллик йилларидан сўнг қишлоқ хўжалигига катта ўзгаришлар юзага келди, фермер хўжаликларини тузилиши, пахта ерларини камайтириб ғалла екиш, натижада ғалла мустақиллигига еришилди.

Сўнги йилларда пахта ерларини қисқартириб озиқ овқат маҳсулотларини экиш йўлга қўйилмоқда, бу эса жаҳон экспертларининг фикрига кўра кутилаётган озиқ овқат танқислигини олдиндан олдини олишга йўналтирилган, узоқни кўзлаб қилинган ислоҳотдир. Ушбу соҳада олиб борилган ислоҳотлардан бири бу мамлакатимизга зотдор моллар, қўйларни олиб келиниши ва уларни кўпайтириш бўлиб ҳисобланади. Бу билан мамлакатимизда кўп гўшт берадиган, кўп сут берадиган молларнинг олиб келиниши халқимиз фаровонлиги ошмоқда. Ушбу жараён ҳақида тўлиқ тассавурга эга бўлиш учун республика қишлоқ хўжалигининг таркибини кўриб чиқиш керак.


Республикамиз узоқни кўзланган мақсадли иқтисодий ислоҳоти натижаси сафатида қўйидагиларни кўриб чиқиш мумкин. Пахта экин майдонларини қисқартириш ва пахтанинг серҳосил навларини яратилиши ҳисобига 1999 йилга нисбаттан 2010 йилда 0.95 бараварни ташкил этмоқда. Мустақилликнинг илк йилларида аввало мамлакатимизнинг буғдой мустақиллигига эришишга эътибор қаратилди, натижада мамлакатимиз буғдой мустақиллигига эришди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз хирмонларига йилига 7.5 млн. тоннага яқин ғалла етиштирилмоқда. Биргина 1999 йилга нисбаттан 2010 йилда 1.7 баробарга ҳосил миқдори ошган. Сўнги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Масалан сабзавотлар 1999 йилга нисбаттан 2010 йилда 2.5 бараварга,

²⁷ Манба: www.stat.uz маълумотлари асисосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

картошка 2.3 бараворга, полиз экинлари 2.3 бараворга, мевлар 3.5 бараварга, узум 2.8 бараварга, гўшт маҳсулотлари 1.8 бараварга, сут маҳсулотлари 1.7 бараварга, тухум 2.5 бараварга ошга. Бу эса ўз навбатида ахолининг турмуш даражасининг яхшиланишига ижобий таъсир қўрсатмоқда.

2.2 Иқтисодий ўсишнинг сифат кўрсаткичларининг таҳлили

Мамалакат иқтисодиёт ҳақида аниқ тассавурга эга бўлиш, кўрсаткичларни сифатли баҳолашда, кўрсаткичларни ҳисоблашга қулай қилиш учун, уларни ўзаро таққослаш, прогнозлашда, иқтисодий моделлаштиришда ва иқтисодий индикаторларни бир бири билан ўзаро таъсирини баҳолашда иқтисодиёт сифат кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади. Одатда иқтисодий сифат кўрсаткичларини ҳисоблаш бир кишига тўғри келадиган меҳнат ҳажми, маҳсулот, реаурс ва капитал орқали ифодаланилади. Чунки бу кўрсаткичлар меҳнатнинг ялпи маҳсулотдаги улуши, меҳнат самарадорлиги ва бошқа кўплаб кўрсаткичларни баҳолаш имкони пайдо бўлади. Олдинги режада 2000 йил нархларида иқтисодиётни ифодалаган эдик, шунинг учун бу режада реал маҳсулот ҳажмини ифодалашда 2000 йил солиштирма нархлар ифодасидаги кўрсаткичлардан фойдаланамиз.



7 – расм. Аҳоли жон бошига реал ва номинал ЯИМ (минг сўм).²⁸

²⁸ Манба: www.stat.uz маълумотлари асисосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


7 – расмдан кўриниб турибдики республика аҳоли жон бошига тўғри келадиган номинал ЯИМ ҳажми 2000 йилда 132100 сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 3934600 сўмни ташкил этмоқда. Бу эса номинал ЯИМ аҳоли жон бошига 2000 йилга нисбаттан 2013 йилда 29.8 бараварга ошганлигидан далолат беради. Лекин бу кўрсаткич билан мамлакат иқтисодиётини тўлиқ тасвирлаб бериш қийин. Мамлакат иқтисодиёти ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишимиз учун аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ЯИМни таҳлил қилиш керак бўлади. Мамлакат иқтисодий-ижтимоий соҳасини модеризациялаш 2000 йилларги тўғри келишини инобатга олган ҳолда, бу ерда 2000 йилни базис йил сифатида олинган. Реал ЯИМ ҳажмини аҳоли жон бошига 2000 йилда 132100 сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 266100 сўмни ташкил этмоқда. Бу эса реал ЯИМ аҳоли жон бошига 2000 йилга нисбаттан 2013 йилда 2 баравардан ортиқ ўсганлигини кўрсатмоқда. Юқоридагиларни инобатга олиб, республика иқтисодиёти барқарор ўсиш теденциясига эга эканлигини таъкидлашимиз мумкин.

Мамлакат иқтисодиёти ҳақида тўлиқ характеристика беришда, мамлакатда банд бўлган аҳолига тўғри келадиган ЯИМни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу кўрсаткични реал ЯИМни мамлакатда банд бўлган аҳоли сонига нисбати орқали аниқлаш мумкин бўлади.

8 – расман кўриниб турибдики, бир ишчига тўғри келадиган мамлакат ялпи маҳсулоти йилдан йилга ортиб бормоқда. Ушбу кўрсаткич, 2000 йилда 362.4 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 642.4 минг сўмни ташкил этмоқда, бу билан, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбаттан 2013 йилда 1.7 бараварга ўсмоқда. Мамлакатнинг иқтисодий ҳолати ҳақидаги аниқ кўриниш йиллар бўйича мамлакатнинг меҳнат самарадорлиги ошиши орқали таҳлил⁸

8 – расман кўриниб турибдики, бир ишчига тўғри келадиган мамлакат ялпи маҳсулоти йилдан йилга ортиб бормоқда. Ушбу кўрсаткич, 2000 йилда 362.4 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 642.4 минг сўмни ташкил этмоқда, бу билан, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбаттан 2013 йилда 1.7

бараварга ўсмоқда. Мамлакатнинг иқтисодий ҳолати ҳақидаги аниқ кўриниш йиллар бўйича мамлакатнинг меҳнат самарадорлигини ошиши орқали таҳлил қиласиз.




8-расм. Ахолининг банд бўлган сонига реал ЯИМни тўғри келиши (минг сўм).²⁹

8 – расмдан кўриниб турибдики, мамлакат меҳнат самарадорлиги йилдан йилга ошиб бормоқда, меҳнат самарадорлиги энг юқори бўлган йиллар 2007-2008 йиллар бўлиб, у 106.8-106 %ни ташкил этган. 2009 йилда самарадорлиги 2008 йилга нисаттан 105.3 %ни ташкил этган. Бу кўрсаткичнинг олдинги йилларга нисбаттан ўсиш тенденциясининг пастлиги, жаҳонда бўлиб ўтган молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсиридир. Лекин мамлакатимизда ушбу инқирозга қарши олиб борилган самарали иқтисодий ислоҳоти сабабли, мамлакатимизда иқтисодий барқарорлик ушлаб қолинди. Агар иқтисодий назариядаги “70” формуласи фойдалансак, мамлакат иқтисодиётининг меҳнат самарадорлиги 14 йилдан сўнг 2 бараварга ошиши маълум бўлади. Мамлакат иқтисодиёти ривожланишига таъсир этувчи омиллардан бири буинвестициялар бўлиб ҳисобланади. Сўнги йилларда республика иқтисодиётига кўплаб хорижий ва маҳаллий инвестициялар жалб этилган. Биргина 2013 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар 27557.3 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Ушбу соҳани чуқур иқтисодий таҳлил қилиш, иқтисодиётни баҳолаш, истиқболли тузишда ёрдам беради. Айниқса республика саноат тармоқларининг ишлаб чиқариш ва қазиб


²⁹ Манба: www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

олиш соҳаларига жалб этилган инвестицияларини самарадорлигини аниқлаш муҳимдир.



9 – расм. Ўзбекистон Республикаси меҳнат самарадорлигининг ўзгариш тенденциялари (олдинги йилга нисбаттан %да).³⁰

10-расмдан кўриниб турибдики, ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестициялар самарадорлиги 2008 йилда 8 бирликни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 5.4 бирликни ташкил этмоқда.



10 – расм. Ишлаб чиқариш ва қазиб олиш тармоқларига киритилган инвестициялар самарадорлиги.

Самарадорликнинг пасайишининг сабаби, жаҳонда вужудга келган молиявий иқтисодий инқизорзининг салбий таъсиридир. Лекин мамлакат ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестициялар самарадорлиги 2013 йилдан яна ўсиш тенденциясига эга бўлиб, у 5.9 бирликка teng. Демек, ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестициялар самарадорлиги келажакда ижобий

³⁰ Манба: www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

натижаларни кўрсатиши мумкин. Қазиб олиш тармоғига йўналтирилган инвестициялар самарадорлиги йилдан йилга камайиш тенденциясига эга бўлиб, бу кўрсаткич 2000 йилда 1.8 бирликга эга бўлган бўлса 2013 йилда 0.7 бирликга эга бўлмоқда. Бў эса ўз навбатида, бир томондан ушбу соҳа тармоқларини иқтисодий таҳлил қилишни тақазо этади. Бошқа томондан, мамлакат иқтисодиёти эктенсив иқтисодий ўсишдан, интенсив ўсишга ўтаётганлигини англатади.

2.3 Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш омилларини баҳолаш ва эконометрик моделлаштириш

Мамлакат иқтисодиётини таҳлил қилишда иқтисодий ўсиш моделлари орқали амалга ошириш самарали бўлиб ҳисобланади. Масалан, Солоунинг иқтисодий ўсиш орқали иқтисодиётни таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш, мамлакатнинг капитал билан қуролланганлик даражаси, истеъмолни максимал қандириш ва шуорқали жамғарма нормасини “олтин қоида” даражасида ушлаб туриш мамлакат иқтисодий самарадорлигини ошриш истиқболдаги режаларни тузишда ёрдам беради. Шу билан бир қаторда бошқа иқтисодий ўсиш моделлари ҳам иқтисодиётни таҳлил қалиш, баҳолаш ва прогнозлаштиришда кенг фойдаланиш мумкин. Ушбу моделлар орқали иқтисодиётни таҳлил қилиш ёки прогнозлашдан олдин бир қанча иқтисодий категорияларни таҳлил қилишимиз керак бўлади.

Ўзбекистон Республикасида самарали иқтисодий ислоҳотлар натижасида меҳнат унумдорлиги 2000 йилда ўтган йилга нисбаттан 98 %ни ташкил этган бўлса, 2005, 2006, 2007 йилларда мос тарзда 104.5, 104.5, 106.8 %ни, 2008, 2009, 2010 йилларда 106, 105.3, 105.7 %ни, 2011 йилда 105.2 %ни ташкил этмоқда.

Меҳнат унумдорлиги 2007 йилда энг юқори натижа кўрсатган, 2008 йилдан 2011 йилгача пасайиш тенденциясига эган бўлган, бу эса жаҳонда юз ерган молиявий иқтисодий инқироз оқибатлари бўлиб ҳисобланади. Ушбу

кўрсаткич ўсиш характерига эга эканлиги мамлакатимизда меҳнат ресурсларидан интенсив фойдаланилаётганлигидан далолат беради. меҳнат

2.1-жадвал

Ўзбекистонда ресурслардан самарали фойдаланиш индикаторлари.³¹

Индикаторлар номи	Ўлчов бирлиги	2000 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Меҳнат унумдорлиги	%	98	104.5	104.5	106.8	106	105.3	105.7	105.2
Капитал қайтими	%	93.9	102.4	101.6	102.2	96.1	89.3	86.5	90.8
Энергия қайтими	%	101.4	105.7	105.4	107.1	106.3	104.8	106.2	106.4
Материал қайтими	%	102.7	103.5	99.7	102.3	108.7	102.2	101.8	101
Хосилдорлик	%	107	108	101.6	102.9	102.2	103.7	104.2	103.4

унумдорлигини тўлдирувчи кўрсаткичлардан бири бу капитал бўлиб ҳисобланади. Республика иқтисодиёти капитал қайтими 2000 йилда 98 %ни ташкил этган бўлса, 2005, 2006, 2007 йилларда мос равища 102.4, 101.6, 102.2 %ни, 2008, 2009, 2010 йиллар мос равища 96.1, 89.3, 86.5 %ни, 2011 йилда 90.8 %ни ташкил этмоқда.

Капитал қайтимининг республика иқтисодиётида 2007 йилгача ижобий натижаларга эришган, 2008 йилдан молиявий иқтисодий инқирози натижасида республика иқтисодиётида инвестиция оқимларининг сусайиши натижасида, кескин пасайиш кузатилмоқда. Мамлакатимизда барча жабҳаларида модернизация жараёнининг шиддат билан олиб амалга ошираётганлиги сабабли энергия қайтими, материал қайтими, хосилдорлик кўрсаткичлари ижобий натижаларни бермоқда. Мамлакат иқтисодиётини таҳлил қилишда иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш ва унинг эластиклик коэффицентини аниqlаш муҳим бўлиб ҳисобланади.

³¹ Манба: www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

2.2-жадвал

Ўзбекистонда ялпи ишлаб чиқариш омиллари миқдори.³²

Йиллар	ЯИМ амалдаги нархларда (млрд. сўм)	Асосий капиталга киритилган инвестициялар(млрд. сўм)	Иқтисодий банд бўлганлар (минг киши)
2000	3255,6	744,5	8983
2001	4925,3	1320,9	9136
2002	7450,2	1526,6	9333
2003	9844	1978,1	9589
2004	12261	2629	9910,6
2005	15923,4	3165,2	10196,3
2006	21124,9	4041	10467
2007	28190	5903,5	10735,4
2008	38969,8	9555,9	11035,4
2009	49375,6	12531,9	11328,1
2010	62388,3	15338,7	11628,4
2011	78764,2	17953,4	11919,1
2012	96589,8	22797,3	12223,8
2013	118986,9	27557,3	12523,3

Ушбу таҳлилни олиб бориш учун 2 – жадвал маълумотларидан фойдаланиб, Коба – Дуглас ишлаб чиқариш функцияси орқали ифодалаймиз. Олдин функцияни натурал логарифмлаб регрессия тенгламасини тузамиз.

$$Y_i = \beta_1 X_{2i}^{\beta_2} X_{3i}^{\beta_3} e^{u_i},$$

бу ерда, Y_i - ЯИМ ҳажми, X_{2i} - иқтисодиётда банд бўлганлар сони, X_{3i} - капитал, e – натурал логарифм асосини ифода этади, $\beta_{2i} > 0$, $\beta_{3i} > 0$.

$$\ln GDP_t = -1.31 + 1.21\ln(L_t) + 0.07\ln(K_t) + 0.003t$$

$$t = (-0.61) \quad (2.67) \quad (1.52) \quad (1.99)$$

³² Манба: www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

$$R^2 = 0.908, \quad F_{\text{хак}} = 26.4$$

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, агар иқтисодийётда бўлганлар миқдори 1 %га ўсиши мамлакат ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини 1.2 %га кўпайтиради, капитал ҳажмининг 1 %га ишлаб чиқариш ҳажмини 0.07 %га кўпайтиради. Капиталга бўлган эластиклик коэффицентининг пастлиги капитал қайтимининг пастлиги билан боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Республика ЯИМда юқори технологияларнинг улуши 2000 йилда 3.5 %, 2005, 2006, 2007 йилларда мосравишда 6.5, 6.9, 7.2 %ни, 2008, 2009, йилларда мос равишида 7.2, 6.8 %ни ташкил этган. ЯИМдан фарқли ўлароқ, саноат маҳсулотларида юқори технологияларнинг улуши юқори бўлиб, у 2000 йилда 6.1 %ни, 2005, 2006, 2007 йилларда мос равишида 9.4, 10, 11 %ни, 2008, 2009 йилларда мос равишида 11.4, 11.6 %ни ташкил этган.

Капитал самарадорлиги фонд улуши 2000 йилда 4.37 сўмни ташкил этган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич юқори кўрсаткични кўрсатиб у 5.23 сўмни ташкил этган, 2013 йилда бу кўрсаткич 4.32 сўмни ташкил этган. Капиталнинг фонд сифими 2000 йилда 0.23 ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда энг юқори 0.28 ни ташкил этмоқда. Мехнат унумдорлиги 2000 йилда 0.36 ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда энг юқори натижани қўрсатиб 9.5 ни ташкил этмоқда. Мехнат сифими камаючилик тенденциясига эга бўлиб 2000 йилда 2.76 ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 0.11 ни ташкил этмоқда, бу эса юқори технологияларнинг ялпи ишлаб чиқаришда кенг кўлланилаётганлигидан далолат беради. Мехнатнинг капитал билан қуролланганлик даражаси 2000 йилда 0.08 ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 2.2 ни ташкил этмоқда. Кўриниб турибдики малакат иқтисодиётисамарадорлик кўрсаткичлари ижобий натижалар бермоқда. Лекин мамлакат иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг бир бири билан қандай таъсирини кўриш учун, уларнинг уларнинг келажакдаги ҳолатини ҳақида аниқроқ тасаввурга эга бўлиш учун улар ўртасидаги регрессион таҳлилни олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

2.3-жадвал

Ялпи ишлаб чиқариш самарадорлик кўрсаткичлари³³

Йил	капиталнинг самарадорлиги фонд улуши сўм	капитал сиғими фонд сиғими	мехнат унумдорлиги	мехнат сиғими	мехнатнинг капитал билан қуролланганлик даражаси
2000	4,37	0,23	0,36	2,76	0,08
2001	3,73	0,27	0,54	1,85	0,14
2002	4,88	0,20	0,80	1,25	0,16
2003	4,98	0,20	1,03	0,97	0,21
2004	4,66	0,21	1,24	0,81	0,27
2005	5,03	0,20	1,56	0,64	0,31
2006	5,23	0,19	2,02	0,50	0,39
2007	4,78	0,21	2,63	0,38	0,55
2008	4,08	0,25	3,53	0,28	0,87
2009	3,94	0,25	4,36	0,23	1,11
2010	4,07	0,25	5,37	0,19	1,32
2011	4,39	0,23	6,61	0,15	1,51
2012	4,24	0,24	7,90	0,13	1,86
2013	4,32	0,23	9,50	0,11	2,20

Мавжуд маълумотлардан фойдаланиб ялпи ишлаб чиқаришдаги меҳнат унумдорлиги ва меҳнатнинг капитал билан қуролланганлик даражаси регрессия тенгламасини тузсак, қуидаги кўринишга эга бўлади:

$$\ln(GDP/Labor) = 1.47 + 0.97\ln(CAP/Labor),$$

бу ерда, $t = (45.0609)$, (36.678) ,

$$R^2 = 0.99, \quad F_{\text{зак}} = 1345.3$$

³³ Манба: www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Регрессия тенгламасидан кўриниб турибдики меҳнатнинг капитал билан қуролланганлик даражасини 1 %га кўпайиши, меҳнат унумдорлигини 0.97 %га ўсишига олиб келади. Агар меҳнатнинг капитал билан қуролланганлик даражаси 0 га тенг бўлса меҳнат унумдорлиги 1.47 га тенг бўлади.

2.4-жадвал

Мамлакатнинг ялпи ишлаб чиқариш кўрсаткичини ўсишига таъсир этувчи омиллар улуши.³⁴

Йиллар	ЯИМни йиллик ўсиши	Капиталнинг йиллик ўсиши	Банд бўлган аҳолининг йиллик ўсиши	Омилларнинг ялпи унумдорлиги TFP
2000	3,8	1	1,1	2,775
2001	4,2	4	1,7	0,775
2002	4	3,6	2,2	0,75
2003	4,2	4,8	2,7	-0,075
2004	7,4	7,3	3,4	1,075
2005	7	5,7	2,9	2
2006	7,5	9,3	2,7	-0,15
2007	9,5	25,8	2,6	-10,5
2008	9	34,1	2,8	-17,275
2009	8,1	24,8	2,7	-11,175
2010	8,5	8,7	2,7	1,3
2011	8,3	7,9	2,5	1,75
2012	8,2	12,7	2,6	-1,975
2013	8	9,8	2,5	0,025

Унумдорлик кўрсаткичига таъсир кўрсатувчи омиллар инсон капитали, физик капитал, меҳнат ва ушбу омилларнинг самарадорлик кўрсаткичидир. Сўнги йилларда малакат ЯИМ ўсиши улусида ушбу омилларнинг улуси қуидаги кўринишга эга бўлмоқда: Малакат капиталнинг йиллик 2000 йилда 1%га ўтган йилга нисбаттан ўсган бўлса, менат ҳажми 1.1 %га ўсган натижада омилларнинг унумдорлик кўрсаткичи 2.77 нит ташкил этмоқда, 2001, 2002 йилларда капитал мос равища 4, 3.6 %га ўсган бўлса меҳнат ҳажми мос равища шу йилларда, 1.7, 2.2 %га ўсган, натижада икки омилнинг ўсиш кўрсаткичларидаги узилиш мавжудлиги сабабли унумдорлик

³⁴ Манба: www.stat.uz маълумоти асосида муалиф томонидан тузилди.

кўрсаткичи 0.77, 0.75 ни кўрсатмоқда. Малакатда икки омиллар ўртасидаги кўрсаткичлар катта ўртасидаги тафовут 2006, 2007, 2008, 2009 ва 2012 йилларда бўлиб у капиталда 9.3, 25.8, 34.1, 24.8 ва 12.7 %ни ўсган бўлса, меҳнатда 2.7, 2.6, 2.8, 2.7 ва 1.6 %га ўсган, натижада омиллар унумдорлиги мос равища -0.15, -10.5, -17.275, -11.175 ва -1.975 салбий натижани кўрсатмоқда. Бунинг сабаби капитал ва меҳнат ҳажмининг бир хил ўиш тенденцияга эга эмаслигададир.

Агар ялпи ишлаб чиқаришнинг неча фоизини аҳоли истеъмоли ташкил этиши ва ялпи ишчки маҳсулот ўртасидаги боғлиқлик регрессия тенгламасини тузсак у қуидаги кўринишга эга бўлади:

$$C = 582.42 + 0.67Y_d$$

Регрессия тенгламасидан кўриниб турибдики агар мамлакат ялпи дарома ҳажми 1 % га ўзгарса, истеъмол ҳажми 0.67 %га ўзгаради. Демак, мамлакатда жамғарма нормаси 0.33 га тенг бўлади.

2-БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялашга оид давлат томонидан бир қатор чора тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастурлар қуидагилар: 2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури, 2011 – 2015 йилларда ўзбекистон республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари дастури, 2012-2016 йилларда ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури. Саноат дастурига кўра, 2015 йилга келиб мамлакат ялпи ишлаб чиқаришининг 28 % и саноат маҳсулотлари ҳисобига тўғри келиши назарда тутилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий техник базасини модернизациялаш дастурига кўра, 2016 йилга келиб қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий техник базасининг 70 % янгиланиши назарда тутилади. Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурига кўра, мамлакат бўйлаб хизматлар соҳасини бир хил ривожлантириш, хизматлар соҳаси турларини кўпайтириш ва 2016 йилга келиб хизматлар соҳаси ялпи

маҳсулотнинг 55 % ини ташкил этиши бу эса 2016 йилда 2011 йилга нисбаттан 2.1 бараварга ўсиши назарда тутилади. УЗАнинг маълумотларига кўра республика Иқтисодиёт вазирлиги томонидан 2016-2020 йилларга мўлжалланган индустриаллаштириш дастури ишлаб чиқилмоқда, ушбу манбага кўра дастурни амалга ошириш учун керак бўладиган умумий маблағ микдори 50 млрд. АҚШ доллари бўлиб, дастур прогнозига кўра 2020 йилга келиб мамлакат ялпи маҳсулотининг 35 % ни саноат маҳсулотлар улушкига тўғри келиши айтиб ўтилган. Кўриниб турибдики, республикада иқтисодиётни модернизациялаш соҳасида кўплаб сай ҳаракатлар олиб бориляпди. Ушбу ислоҳотлар мақсади мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни мустаҳкамлаш, бунинг замирида эса мамлакат иқтисодий ривожлатириш ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилашдан иборатdir.

Сўнги йилларда республика иқтисодий ўсиш кўрсатгилари бўлган асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ижобий натижаларга эришмоқда. Жумладан, номинал ЯИМ ҳажми 2000 йилга нисбаттан 2013 йилда 36.5 бараварга, саноат маҳсулотлари ҳажми 50 бараварга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 17 бараварга, курилиш 29 бараварга, савдо 23.7 бараварга, бошқа тармоқлар 38.7 бараварга, маҳсулотларга солинадиган соғ солиқлар ва экспорт – импортдан тушум 18.3 бараварга кўпайган. Бу натижалар эса ўз навбатида мамлакат барқарор иқтисоди ўсиш тенденциясига эга эканлигидан далолат беради.

Мамлакатнинг иқтисодий сифат кўрсаткичларни ифодаловчи аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, саноат маҳсулотлари, асосий капиталга киритилган инвестициялар, чакана савдо айланмаси, экспорт ҳажми, импорт ҳажми мос равишда 29.83, 26.41, 30.21, 21.67, 3.77, 3.82 бараварга кўпайган. Мамлакат меҳнатсамарадорлиги кўрсаткичи ҳам ижобий ўсиш тенденциясига эгадир.

З-БОБ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ПРОГНОЗЛАШ ВА УНГА ЭРИШИШНИГ ЧОРА ТАДБИРЛАРИ

3.1 Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ўсиш даражасини прогнозлаш

Мамлаакат иқтисодиётни келажакдаги ҳолати ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш, иқтисодий дастурларни қабул қилиш, ушбу дастурларни мақсад ва вазифаларини белгилаш, уларга эришиш учун турли чора-тадбирларни ишлаб чиқиша иқтисодий прогнозлашнинг муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиёт назариясидан маълумки, иқтисодий прогнозлашнинг турли усуллари мавжуд бўлиб, улар, анкета сўров усули, эвристик усул, ўйинлар усули, стохастик усул, математик статистик усул, эконометрик усул ва бошқалар. Ушбу усуллар орасида маълум вазият ҳақида аникроқ маълумот берувчи усуллар бу математик статистик ва эконометрик усуллардир. Ушбу усуллар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Бу усуллар ёрдамида вазиятни ифодалаш қўйидаги тартибда амалга оширилади: бир кўрсатгачни башка кўрсаткич билан корреляцион боғлиқликни аниқлаш керак, икки кўрсаткични олақадорлигини ифодаловчи регрессион тенгламаси тузилади, регрессион тенглама ёрдамида прогнозлаштирилади. Прогноз натижаларини аниқлилигини текшириш учун фишер коэффицентидан фойдаланилади, тузилган тенгламанинг параметрларини ишончлилигини аниқлаш учун стюдент коэффиценти орқали баҳоланади. Иқтисодиётни прогнозлашнинг энг содда кўриниши бу мавжуд тенденцияларга асосланиб, ҳолатнинг вақт билан трендини тузишдир. Ушбу усул мавжуд тенденция вақт билан боғлиқлик регрессион тенгламаси тузилади. Регрессион тенглама энг кичик квадратлар усули орқали аниқланади. Тренд моделининг камчилиги шундаки, у фақат қисқа муддатли яъни 1-2 йилни прогнозлаш мумкин бўлади. Иқтисодиётни ўрта (3-5 йил) ёки ўзоқ муддатли прогнозлашда омилли моделлардан кенг фойдаланилади. Чунки омилли моделда иқтисодиёт бир неча омилларга боғлаб ифодаланилади.

3.1.1-жадвал

ЯИМ ўсишини прогнозлашнинг тренд моделлари.

№	Кўрсаткич номи	Регрессия тенгламаси	R^2
1.	ЯИМ (y)	$y = t^2 * 21.22505 + t * 54.07751 + 3166.887$	0.999619
2.	Саноат маҳсулотлари (x_1)	$x_1 = -t^3 * 0.193003 + t^2 * 4.868667 - t * 0.854149 + 466.2093$	0.998658
3.	Қишлоқ хўжалиги (x_2)	$x_2 = t^2 * 2.560565 + t * 51.89334 + 913.6046$	0.998713
4.	Транспорт ва алоқа (x_3)	$x_3 = -t^3 * 0.131824 + t^2 * 5.840099 - t * 14.02336 + 261.8238$	0.997176
5.	Савдо (x_4)	$x_4 = -t^4 * 0.128367 + t^3 * 3.448193 + t^2 * 3.448193 + t * 68.41586 + 303.3580$	0.999079
6.	Маҳсулотларга солинадиган соғ соликлар ва экспорт-импорт операциялари (x_5)	$x_5 = -t^2 * 1.858856 + t * 358.0054 + 717.1920 * \ln(t) - 2002.990 * \sqrt{t} + 2053.205$	0.997186
7.	Курилиш (x_6)	$x_6 = 1.290698t + t^2 * 2.377736 + 178.9206$	0.982525
8.	Бошқалар (x_7)	$x_7 = t^2 * 3.925435 - t * 9.492590 + 638.5267$	0.991417

Мамлакат иқтисодиёти ҳақида илк тасаввурга эга бўлиш учун таренд моделини тузиш мақсадга мувофиқдир.

Республика иқтисодиёти ялпи маҳсулоти қўшилган қийматлар бўйича ташкил этувчилари тренд моделларидан кўриниб турибдики ҳарбир кўрсаткич вақт билан кучли боғланишга эгадир. Ушбу ҳолат ҳақида тўлик

маълумотга эга бўлиш учун ҳар бир моделни таҳлил қилишимиз зарур бўлади.

Мамлакат ЯИМ тренд модели квадрат функцияси кўринишига эга бўлиб, агар ушбу функцияни эконометрик таҳлил қилсак, детерминация коэффицент 0.999619 га тенг бу кўрсаткичнинг вақт билан кучли боғлиқликка эга эканлигидан далолат беради. Функция натижаларининг детерминацион коэффиценти 0.999549 га, регрессиянинг ўртача квадратик фарқи 12536.38 га тенг. Регрессиянинг ҳар бир коэффицентини баҳоловчи стюдент критерияси биринчи коэффицент учун 33.92719 га, иккинчи коэффицент учун 5.605442 га, учунчи коэффицент учун 100.6800 га тенг. Фишер статистик қиймати 14420.81 га, фишер статистикасининг аниқлиқдан четлашуви 0 га тенг бўлмоқда. Юқоридаги кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, модел тўлиқ эконометрик талабларгажовоб бермоқда. Агар ушбу моделдан фойдаланиб иқтисодиётни прогнозлаштиrsак, мамлакат ЯИМ 2014 йилда 8753.686 млрд. сўмни ташкил этмоқда, бу эса ўз навбатида 2013 йилга нисбаттан 2014 йилда 108.2 % га ўсиш кузатилмоқда. Бу кўрсаткич 2015 йилда 9465.74 млрд. сўмни ташкил этиб, 2014 йилга нисбаттан 2015 йилда 108.1 % га ўсиш кузатилмоқда.

Мамлакат ЯИМ ни асосий ташкил этувчилардан саноат маҳсулотларининг қўшилган қийматлар бўйича тренд модели учинчи даражали функцияси кўринишига эга бўлиб, агар ушбу функцияни эконометрик таҳлил қилсак, детерминация коэффицент 0.998658 га тенг бу кўрсаткичнинг вақт билан кучли боғлиқликка эга эканлигидан далолат беради. Функция натижаларининг детерминацион коэффиценти 0.998211 га, регрессиянинг ўртача квадратик фарқи 210.0273 га тенг. Регрессиянинг ҳар бир коэффицентини баҳоловчи стюдент критерияси биринчи коэффицент учун -5.733206 га, иккинчи коэффицент учун 6.807958 га, учунчи коэффицент учун -1.333227 га, тўртинчи коэффицент учун 63.24267 га тенг. Фишер статистик қиймати 2233.003 га, фишер статистикасининг аниқлиқдан четлашуви 0 га тенг бўлмоқда. Юқоридаги кўрсаткичлардан кўриниб

турибиди, модел тўлиқ эконометрик талабларгажовоб бермоқда. Агар ушбу моделдан фойдаланиб саноат маҳсулотларини қўшилган қийматлар бўйича прогнозлаштиrsак, саноат маҳсулотлари 2014 йилда 829.2795 млрд. сўмни ташкил этмоқда, бу эса ўз навбатида 2013 йилга нисбаттан 2014 йилда 101.7 % га ўсиш кузатилмоқда. Бу кўрсаткич 2015 йилда 836 млрд. сўмни ташкил этиб, 2014 йилга нисбаттан 2015 йилда 100.8 % га ўсиш кузатилмоқда.

Мамлакат ЯИМ ни ташкил этувчилардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қўшилган қийматлар бўйича тренд модели қвадрат функцияси кўринишига эга бўлиб, агар ушбу функцияни эконометрик таҳлил қилсак, детерминация коэффицент 0.998713 га тенг бу кўрсаткичнинг вақт билан кучли боғлиқликка эга эканлигидан далолат беради. Функция натижаларининг детерминацион коэффиценти 0.998456 га, регрессиянинг ўртача квадратик фарқи 1822.343 га тенг. Регрессиянинг ҳар бир коэффицентини баҳоловчи стюdent критерияси биринчи коэффицент учун - 8.486970 га, иккинчи коэффицент учун 11.95483 га, учунчи коэффицент учун 69.14343 га тенг. Фишер статистик қиймати 3880.328 га, фишер статистикасининг аниқлиқдан четлашуви 0 га тенг бўлмоқда. Юқоридаги кўрсаткичлардан кўриниб турибиди, модел тўлиқ эконометрик талабларга жовоб бермоқда. Агар ушбу моделдан фойдаланиб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қўшилган қийматлар бўйича прогнозлаштиrsак, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 2013 йилга нисбаттан 2014 йилда 105.8 % га ўсиш кузатилмоқда. Бу кўрсаткич 2014 йилга нисбаттан 2015 йилда 105.7 % га ўсиш кузатилмоқда.

Ялпи масулот таркибидаги транспорт, савдо, соф солиқ ва экспорт ва импорт операциялардан тушум, қурилиш ва бошқа тармоқ тренд моделлари мос тарзда мураккаб функция кўринишига эга. Ушбу моделларнинг детерминацион коэффицентлари 0.997176, 0.999079, 0.997186, 0.982525, 0.991417 ни ташкил этмоқда. Функция натижаларининг детерминацион коэффиценти мос тазда 0.996234, 0.998618, 0.995780, 0.979030, 0.989700 га тенг. Бу кўрсаткичлардан кўриниб турибиди олинган натижалар мамлакат

иқтисодиётини қисқа муддатда прогнозлашга асос бўлиши мумкин.

Мамлакат иқтисодиётини ривожланишини жадалаштиручи омиллардан бири инвестициялар бўлиб ҳисобланади. Ушбу омилни тренд моделини тузиш ва ЯИМ ва инвестиция орасидаги эластиклик коэффицентини ҳисоблаб чиқиши мамлакат иқтисодиётини прогнозлаш ва прогноз натижаларини асосли таҳлил қилиш имконини беради. Республика иқтисодиёти асосий капиталга киритилган инвестициялар тренд модели кўйидаги кўринишга эга бўлди:

$$y=188.2422*t^2-1028.884*t+2155.306$$

$$t = (15.96375) \ (-5.657982) \ (3.635284)$$

$$R^2 = 0.994, F_{\text{хак}} = 1032.368$$

бу ерда, y -асосий капиталга киритилган инвестициялар, t -вакт (йиллар).

Асосий капиталга киритилган инвестициялар тренд моделидан фойдаланиб 2014 йилга жалб этиладиган инвестиция ҳажмини прогнозлаштиrsак 29077,14 млрд. сўмни ташкил этади. Агар инвестициянинг ўзгаришини ЯИМ ҳажми ўзгариши билан ифодаловчи регрессия тенгламасини тузсак қўйидаги натижага эга бўламиш:

$$Y=152539.2*x^{0.1}+28278.71*x^{0.3}-68453.89*x^{0.25}+\frac{266*10^{12}}{x^4}+1411054.2$$

$$t = (3.287262) \ (3.531078) \ (-3.438986) \ (2.525521) \ (-3.155645)$$

$$R^2 = 0.997, F_{\text{хак}} = 1032.368$$

бу ерда, Y -ЯИМ, x -асосий капиталга киритилган инвестициялар.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 2014 йил прогнозига асосланиб 2014 ЯИМни юқорида келтирилган модел ёрдамида прогнозлаштирамиз. 2014 йилда мамлакат реал ЯИМ 8713,613599 млрд. сўмни ташкил этмоқда, бу эса ўз навбатида 2013 йилга нисбаттан 2014 йилда 108.2995 %га ўсиш кузатилади. Агар омилли модел орқали олинган натижа билан ЯИМни тренд модели натижаларини таққосласак, улар ўртасидаги тафовут 40.072401 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Мамлакат иқтисодиётини аниқроқ ифодалаб берувчи модел бу омилли модел булиб ҳисобланади. Чунки омилли модел орқали мамлакатни нафақат қисқа муддатда, балки ўрта ва узок муддатларда прогнозлаш имкони мавжуд бўлади. Ҳозирги ҳолатда мамлакатни ўрта муддатда прогнозлаш учун ЯИМ қўшилган қиймат бўйича ташкил этувчилар орқали, омилли моделини тузишимииз мумкин. Ҳозирги ҳолат бўйича омилли модел қўйидаги кўринишга эга:

$$F(x) = x_1 * 1.945032 + x_2 * 0.834282 + x_3 * 0.874576 + x_4 * 0.491277 + x_5 * 0.831675 + \\ x_6 * 1.514397 + x_7 * 0.981437 - 118.0070 \\ t = (6.905904) (8.690402) (6.009955) (4.188076) (4.813053) (7.63365) (-1.07594) \\ R^2 = 0.999, F_{\text{ҳак}} = 130253.9$$

бу ерда, $F(x)$ -ЯИМ, x_1 -саноат маҳсулоти, x_2 -қишлоқ хўжалиги, x_3 -қурилиши, x_4 -савдо, x_5 -маҳсулотларга солинадиган соғ солиқлар ва экспорт-импорт операциялари, x_6 -транспорт ва алоқа, x_7 -бошқалар.

Агар моделни эконометрик таҳлил қиласақ, детерминацион коэффицент 0.999995 га, натижаларнинг детерминацион коэффиценти 0.99997 га, фишшер статистикаси 130253.9 га тенг. Бу эса моделнинг ўрта муддатда прогнозлаш учун имкон мавжудлигини англатади. Ўзгартирувчилар олдиаги коэффицентлар, омилнинг бир бирликка ўзгариши бошқа омиллар ўзгармас ҳолда ЯИМни неча бирликка ўзгаришини билдиради. Ўз навбатида ушбу коэффицентлар, омил ва ЯИМ ўртасидаги эластиклик коэффицентини белгилайди. Моделдан кўриниб турибдики эластиклик коэффиценти энг юқори омил бу саноат маҳсулотлари бўлиб, у 1.945032 га тенг, ундан сўнг эса траспорт ва алоқа бўлиб у 1.514397 ни ташкил этмоқда. Бу билан мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун ушбу соҳаларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Лекин мамлакат барқарор иқтисодий ўсишини таъминлапш учун барча соҳаларни ривожлантириш керак. Бунинг учун эластиклиги паст бўлган омилларни яъни соҳаларни такомиллаштириш зарур бўлади.

3.2 Мамлакат иқтисодиётини барқарор ўсишини таъминлаш омиллари

Ўзбекистон Республикасида кенг қамровли модернизациялаш натижасида, мамлакат ижтимоий-иктисодий барқарорликка эришмоқда. Давлатнинг аниқ мақсадга йўналтирилган самарали иқтисодий сиёсати натажасида:

1. Макроиктисодий барқарорлик ҳамда иқтисодиётни ички ва ташқи секторларининг мутаносиблигини таъминлаш борасида :

- Қаттиқ пул – кредит ислоҳоти натижасида, сўнги 7 йил мобайнида йиллик 7 – 8 %да сақлиниб қолмоқда;
- Самарали бюджет – солиқ сиёсати натижасида, сўнги йилларда мамлакат бюджети профицит билан якунланиши;
- Иқтисодиётни модернизациялаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш натижасида, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқарилиши ва ташқи савдо айланмаси ижобий сальдони ташкил этмоқда.

2. Ички омиллар ҳисобидан иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш борасида:

- Мамлакатда иқтисодиётни модернизациялаш, мамлакат иқтисодиётини рақобатдошлигини ошириш натижасида, сўнги 10 йилда республика ЯИМ ҳажми ўсиш суръати ўртача 107.8 %ни ташкил этмоқда;
- Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантириш натижасида, 2013 йилда умумий экспорт ҳажмининг 72 %дан ортиғи тайёр товарлар ташкил этмоқда.

3. Иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш ва кенг қамровли тузулмавий ислоҳотларнинг ошириш борасида:

- Мақсадли хорижий инвестицияларини жалб этиш, инвесторларга қулагайликлар яратиш, мамлакат инвестицион жозибадорликни ошириш натижасида, мамлакат ялпи маҳсулотида саноат маҳсулотининг улуши 2013 йилда 24.2 %ни ташкил этмоқда;

- Мамлакатда ўртасинфини ривожлантириш, иқтисодиётни дивверсификациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга имтиёзлар ва қулайликлар яратилиши натижасида, 2013 йилда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 55.8 %ни ташкил этмоқда;
- Мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқарувчиларга ва аҳолига қулайликлар мақсадида транспорт ва алоқани ривожлантириш; Республика саноатини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилишга ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада ошириш мақсадида, 2011 — 2015 йилларда Республика саноатини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари этиб қуидагилар белгиланди: структура ҳосил қилувчи тармоқларни ва умуман саноатни ривожлантиришнинг аниқ, чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйланган узоқ муддатли истиқболларини ишлаб чиқиш, шу асосда иқтисодиётнинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, ватанимиз саноат маҳсулотининг рақобатбардошлигини ошириш, Республика саноати ва умуман иқтисодиётини ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлигини камайтириш мақсадида норматив кўрсаткичлар ва тарифларнинг барқарорлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон меҳнат тақсимотидаги роли ва ўрни юксалиб боришини таъминлайдиган энергетика, нефть-газ-кимё, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика каби устувор тармоқларни илдам ривожлантиришга қаратилган саноатдаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган,

қўшилган қиймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш, саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илғор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш, ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилишини янада ривожлантириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, саноат корхоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлиги ўсишини, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ошиб боришини таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш, нобудгарчиликлар ва унумсиз сарф-харажатларни бартараф этиш ҳисобига саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини муттасил ошириб бориш, саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда унинг ташқи бозордаги рақобатдошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда тадбиқ этилмоқда. Ушбу дастурлардан асосийларидан бири бу 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон республика саноатини ривожлантириш дастуридир. Ушбу дастурга кўра иқтисодиётда саноат тармоқларининг ҳолати қуйидагича прогноз кўрсаткичлари келтирилган: 2015 йилда саноат маҳсулотлари ҳажми 2011 йилга нисбаттан 1.6 бараварга ошиши мўлжалланмоқда. Бундан

ташқари мамлакат ялпи ишлаб чиқаришида саноатнинг улуши 28 %ни ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Агар ЯИМ ва саноат маҳсулотлари ўртасидаги юқорида тузилган регрессия тенгламаси орқали :

$$F(x) = x_1 * 1.945032 + x_2 * 0.834282 + x_3 * 0.874576 + x_4 * 0.491277 + x_5 * 0.831675 + x_6 * 1.514397 + x_7 * 0.981437 - 118.0070,$$

орқали саноат дастурининг амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётига таъсирини кўриб чиқишимиз мумкин. Тенгламадан кўриниб турибдики, саноат маҳсулотлари ҳажми 1 % га ўзгариши, ЯИМни 1.94 % га ўзгаришига олиб келади. Агар дастурда белгиланган натижа амалга оширилса, 2015 йилда саноат маҳсулотлари 2011 йилга нисбатан 1.6 бараварга ошса, 5 йил ичida мамлакат реал ЯИМ ҳажмини, саноат маҳсулотлари 3.11 бараварга оширади.

Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, авваламбор қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматларнинг турини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ва бунинг асосида мамлакат иқтисодиётини барқарор ва шиддатли ривожлантиришда, аҳолининг бандлигини таъминлаш, даромадини кўпайтириш ва фаровонлигини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ҳамда аҳамиятини ошириш мақсадида: 2016 йилгача мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 55 фоизгacha оширилишини назарда тутадиган 2012—2016 йилларда, 2012—2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси минтақалари бўйича хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, 2012 — 2016 йилларда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан кўрсатиладиган янги хизмат турларини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури мақсадли параметрларининг белгиланган муддатларда сифатли ҳамда тўлик ҳажмда амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви идораларининг, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилди. Шунингдек, 2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат

кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурида, ушбу соҳанинг ривожланиш кўрсаткичларни прогноз параметрлари қўйидагича:

2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш

соҳасини ривожлантириш дастурида белгиланган прогноз

параметрлари³⁵

6-жадвал

Кўрсаткичлар номи	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2011 йилга нисбаттан 2016 йилга ўсиш (марта)
ЯИМдаги улуши %	50,5	52	52,5	53	54	55	
Йиллик ўсиш %	115,2	114,9	115,6	116,2	116,9	117,4	2,1 марта

$$Y = 0.32x + 3709.31$$

$$t = (13.08504) \ (23.7955)$$

$$R^2 = 0.93 \ F_{\text{зак}} = 171.2181$$

бу ерда, Y – ЯИМ, x – хизматлар соҳаси.

Тенгламадан кўриниб турибдики хизматлар соҳасининг 1 % га ўзгариши, ЯИМни 0.32 % га ўзгаришига олиб келади. Агар дастурда белгиланган натижа амалга оширилса, 2016 йилда хизматлар соҳаси 2011 йилга нисбатан 2.1 бараварга ошса, 5 йил ичида мамлакат реал ЯИМтини хизматлар соҳаси 1.672 бараварга оширади.

Иқтисодиёт назариясидан маълумки, иқтисодий ўсишга нафақат эндоген (ички), балки экзоген (тақшқи) таъсир этувчилари мавжуд. Экзоген омилларга солиқ юки, инфляция суръти, монопол корхоналарнинг сони, маҳсулотларнинг ЯИМдаги улуши, аҳолининг пул харажатлари ва бошқалардир. Ушбу кўрсаткичларни эконометрик муҳим аҳамият касб этади. Ушбу таҳлилни олиб боришда, омиллар ўртасидаги жуфт корреляцион

³⁵ “2012 – 2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”. – Т.: lex.uz, 2012 йил 10 май, ПҚ – 1754 – сон.

матрица усулидан фойдаланиш керакдир. Назариядан бизга маълумки корреляцион коэффицент соҳаси $-1 < r < 1$ орлиқда ётади, агар $0 < r < 0.4$ бўлса омилларнинг корреляцион боғланиши кучсиз, $0.5 < r < 0.7$ бўлса омилларнинг корреляцион боғланиши ўртача, $0.8 < r < 0.99$ омилларнинг корреляцион боғланиши кучли ва $r = 1$ бўлса функционал боғлиқликка эга бўлади.

Ялпи ишлаб чиқаришга таъсир этувчи асосий макроиктисодий омилларнинг жуфт корреляция коэффицентлари матрицаси

7-жадвал

№	Макроиктисодий кўрсаткичлар номи	макроиктисодий кўрсаткичлар тартиб раками					
		1	2	3	4	5	6
1	Солиқ юкки	1					
2	Инфляция суръати	0,673	1				
3	Монопол корхоналар сони	0,841	0,864	1			
4	Монопол маҳсулотларнинг ЯИМ даги улуши	0,781	0,614	0,65	1		
5	Аҳолининг пуллик харажатлари	0,459	0,955	0,726	0,388	1	
6	Ялпи ишлаб чиқариш	-0,947	-0,504	0,687	-0,753	0,283	1

Ялпи ишлаб чиқариш солиқ юки билан кучли тескари боғлиқликка эга бўлиб у -0.947 ташкил этмоқда, инфляция сурати, монопол корхоналарнинг сони билан ялпи ишлаб чиқариш ҳажми ўртача тескари боғлиқликка эга бўлиб у мос равишда -0.504 , 0.687 ни ташкил этмоқда. Ялапи маҳсулотда монопол маҳсулотларнинг улуши ва ялпи маҳсулот ҳажми билан боғлиқлиги -0.753 ни, ялпи маҳсулотнинг аҳолининг пуллик харажатлари ўртасидаги боғлиқлиги 0.283 га teng. Монопол маҳсулотларининг ЯИМдаги улушкининг монопол корхоналар сони, инфляция суръати, солиқ юки билан корреляцион

боғланиш 0.781, 0.614, 0.65 га тенг, бу эса манопол маҳсулотларнинг ЯИМдаги улушининг ўчишига инфиляция жараёни, солик юкининг тўғри боғлиқлиги салбий ҳолатлардан бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида асосий ўринда ялпи маҳсулот ҳажмининг умумий ҳажми эмас, балки ушбу кўрсаткичнинг аҳоли жон бошига қанчадан тўғри келиши билан иқтисодий ўсиш ҳисобланади. Чунки, ушбу кўрсаткичлар иқтисодиёт ҳақида аникроқ тасаввурни шакллантиради. Ушбу кўрсаткичларни ўзаро боғлиқлик моделларини тузиш иқтисодиётни келажакдаги барқарор ўсиш истиқболларини тузишда ёрдам беради.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг жуфт омилли регрессия тенгламалари ва уларнинг барқарорлик кўрсаткичи.

8-жадвал

Регрессия тенгламалари	R^2	Фишер меъзони		Стюдент меъзони	
		$F_{\text{жад}}$	$F_{\text{ҳақ}} - F_{\text{жад}}^{0.05}$	t_{a_0}	t_{a_1}
GDP/POP = 1.95IND/POP – 142.2	0.99	1759.842	0	41.95	-3.07
GDP/POP = 4.19CAP/POP – 41.41	0.99	2755.469	0	52.49	1.00
GDP/POP = 2.61GOD/POP – 32.9	0.99	1223.157	0	34.97	0.64
GDP/POP = 7.18EXS/POP – 847.7	0.85	69.3292	0.00002	8.326	-2.83
GDP/POP = 9.33IMP/POP – 940.1	0.9	109.1225	0	10.44	-3.8

Жадвалдан кўриниб турибдики, аҳоли жонбошига тўғри келадиган ЯИМнинг ҳажми жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ҳажми билан қучли детерминацион боғланишга эга бўлиб, у 99 %ни ташкил этмоқда. Агар аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулот ҳажми 1 %га ўзгариши, жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажмини 1.95 % га ўзгартиради. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ҳам жон бошига тўғри келадиган ялпи маҳсулот ҳажми билан 99.5 % детерминацион боғланишга эга, жон бошига тўғри келадиган асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг 1 %га ўзгариши, жон

бошига тўғри келадиган ялпи маҳсулот ҳажмини 4.19 % ўзгартиради. Малакатнинг бир ахолисига тўғри келадиган чакана савдо айланмаси, бири кишига тўғри келадиган ялпи маҳсулот ҳажми билан 99 % детерминацион боғлиқликка эга, агар жон бошига тўғри келадиган чакана савдо айланмаси 1 бирликка ўзгарса жон бошига тўғри келадиган ялпи маҳсулот ҳажми 2.61 бирликка ўзгаради. Бир кишига тўғри келадиган экспорт ҳажми билан бир кишига тўғри келадиган ялпи ишлаб чиқариш ҳажми 85% детерминацион боғлиқликка эга бўлиб, жон бошига тўғри келадиган экспортнинг 1 %га ўзгариши киши бошига тўғри келадиган ялпи маҳсулотнинг 7.18 %га ўзгаришига олиб келади. Киши бошига тўғри келадиган импорт ҳами киши бошига тўғри келадиган ялпи маҳсулот ҳажми билан 90 % детерминацион боғлиқликка эга бўлиб жон бошига тўғри келадиган импортнинг ҳажмини 1 бирлик ўзгариши, жонбошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотни 9.33 бирликка ўзгартиради.

Тузилган барча моделлардан кшриниб турибдики, республика шиддат билан ўсуви барқарор иқтисодий ўсиш тенденцияларига эга бўлмоқда. Ушбу тенденцияни келажакда ушлаб турин, ЯИМда саноат маҳсулотларининг улушини, капитал ва инсон капитали улушини ошириш барқарорликомили сифатида хизмат қиласи.

З-БОЙ ЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

Мамлакат иқтисодиёти истиқболи ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш, иқтисодий дастурларни қабул қилиш, ушбу дастурларни мақсад ва вазифаларини белгилаш, уларга эришиш учун турли чора-тадбирларни ишлаб чиқишида, иқтисодий прогнозлашнинг муҳим ўрин тутади. Юқорида тузилган моделлардан келиб чиқиб айтиш мумкини: малакатда меҳнат қайтими 1.44 бараварга, энергия қайтими 1.5 бараварга, материал қайтими 1.2 бараварга, ҳосилдорлик 1.3 бараварга ошган, капитал қайтими 0.71 бараварга камайган. Мамлакат иқтисодиётида иқтисодиётда иш билан банд ахолининг ялпи ишлаб чиқариш билан эластиклик коэффиценти 1.21 гатенг бўлса,

капиталники 0.07 га тенг бўляпти. Бу эса малакат иқтисодиёти капитал қайтимининг камайиш тенденциясига эга эканлигининг таъсиридир. Тренд моделига кўра мамлакат ЯИМ ҳажми 2014 йилда 8.2 % га, 2015 йилда 8.1 % га ўсиши кутилмоқда. Асосий капиталга киритилган инвестициянинг тренд моделига кўра 2014 йилда инвестиция ҳажми 2000 йил нархларида 2907.714 млрд. сўмни ташкил этади, бу эса ўз навбатида, ЯИМни 8.25 %га ўсишига олиб келади.

Ялпи ички маҳсулот ва уни ташкил этувчилари орқали тузилган омилли модел кўрсатадики, саноат маҳсулотларининг эластиклик коэффиценти 1.94 га, қурилиш 0.87 га, қишлоқ хўжалиги 0.83 га, савдо 0.49 га, маҳсулотларга солинадиган соф солиқлар ва экспорт-импорт операциялари 0.98 га тенг. Олиб борилган изланишлар натижасига кўра, истеъмол функцияси қўйидаги кўринишга эга $C = 582.42 + 0.67Y_d$, демак, аҳоли ялпи даромадини 33 % ни жамғармага, 67 % ни истеъмолга сарфлайди. Бу эса ўз навбатида, мамлакатнинг капитал билан қуролланиш даражасика таъсир кўрсатади. Мамлакат аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи маҳсулот билан жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари, асосий капиталга киритилган инвестиция, чакана савдо айланмаси, экспорт, импорт эластиклик коэффиценти мос равишда 1.95, 4.19, 2.61, 7.18, 9.33 га тенг бўлмоқда. Бу билан мамлакат иқтисодий сифат кўрсаткичларининг ўзаро алоқадорлиги ифодаланиб, мамлакатни келажақдаги истиқболларини уларга таянган ҳолда тузиш имконини беради. Олинган натижалардан кўриниб турибдики республика иқтисодиёти барқарор ўсиш тенденцияларига эга бўлиб, фақат керакли индикаторларни керакли миқдорда ошириш зарурдир. Бу билан мамлакат барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш мумкин бўлади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Иқтисодий ўсишга интенсив эришиш ҳар бир давлатнинг иқтисодий сиёсатининг устувор мақсади бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиёт назариясида илк иқтисодий ўсиш моделлари экстенсив омиллар ҳисобидан ўсишга эришиш ифодаланган бўлса, назария ривожланиши амалиётнинг чуқур тадқиқ этилиши натижасида интенсив омилларнинг омиллар ўсиш моделига экзоген таъсир этувчи қабул қилиниб у бирон омилга боғлиқ бўлмаган, яъни вақт ўтиши билан ўзи ривожланади деган фикр илгари сурилган. Инсон капиталини чуқур тадқиқ этилиши интенсив омилларни эндоген омил сифатида ўсиш моделларига киритилди. Ҳозирги кунда иқтисодий ўсиш назарияси билан шуғулланувчиларнинг фикрига кўра ўсиш охир оқибат инсоният цивилизациясини таназулга учратиши ҳакида гапирилиб, яъни турли экологик оқибатларга олиб келиши тахмин қилинади. Шунинг учун экологик иқтисодиёт назарияси олимлари томонидан турли экологик иқтисодий моделлар тузилмоқда. Иқтисодий ўсишни қай йўсинда амалга ошишини назорат қилувчи дастак давлатнинг иқтисодий сиёсати бўлиб ҳисобланади. давлат томонидан солиқ – бюджет, давлат харажатларининг таркиби, пул кредит, ишсизлик даражаси каби иқтисодий кўрсаткичларни баланслаштириш ҳисобланади. Бундан ташқари, мамлакатнинг сиёсий барқарорлиги, демократлашув даражаси, хуфёна иқтисодиёт даражаси, корупция ривожланганлик даражаси ва бошқа сиёсий ижтимоий омиллар иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатади. Шу сабабли, истиқболда иқтисодий ўсининг барча омилларини ифода этувчи мукаммал модел тузиш иқтисодиёт назариясининг муҳим вазифалардан бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси барқарор иқтисодий ўсиш тенденцияларини мустаҳкамлаш борасида, давлат самарали иқтисодий сиёсат олиб бормоқда. Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш борасида кўплаб давлат дастурлари қабул қилинган бўлиб, булар, 2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури, 2011 — 2015 йилларда

ўзбекистон республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари дастури, 2012-2016 йилларда ўзбекистон республикасида хизмат қўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури. Саноат дастурига кўра, 2015 йилга келиб мамлакат ялпи ишлаб чиқаришининг 28 % и саноат маҳсулотлари ҳисобига тўғри келиши назарда тутилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий техник базасини модернизациялаш дастурига кўра, 2016 йилга келиб қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий техник базасининг 70 % янгиланиши назарда тутилади. Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурига кўра, мамлакат бўйлаб хизматлар соҳасини бир хил ривожлантириш, хизматлар соҳаси турларини қўпайтириш ва 2016 йилга келиб хизматлар соҳаси ялпи маҳсулотнинг 55 % ини ташкил этиши бу эса 2016 йилда 2011 йилга нисбаттан 2.1 бараварга ўсиши назарда тутилади. UZАнинг маълумотларига кўра республика Иқтисодиёт вазирлиги томонидан 2016-2020 йилларга мўлжалланган индустрialiлаштириш дастури ишлаб чиқилмоқда, ушбу манбага кўра дастурни амалга ошириш учун керак бўладиган умумий маблағ миқдори 50 млрд. АҚШ доллари бўлиб, дастур прогнозига кўра 2020 йилга келиб мамлакат ялпи маҳсулотининг 35 % ни саноат маҳсулотлар улушига тўғри келиши айтиб ўтилган. Кўриниб турибдики, республикада иқтисодиётни модернизациялаш соҳасида кўплаб сай ҳаракатлар олиб бориляпди. Ушбу ислоҳотлар мақсади мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни мустаҳкамлаш, бунинг замирида эса мамлакат иқтисодий ривожлатириш ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилашдан иборатдир. Сўнги йилларда республика иқтисодий ўсиш қўрсатгилари бўлган асосий макроиктисодий қўрсаткичлар ижобий натижаларга эришмоқда. Жумладан, номинал ЯИМ ҳажми 2000 йилга нисбаттан 2013 йилда 36.5 бараварга, саноат маҳсулотлари ҳажми 50 бараварга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 17 бараварга, курилиш 29 бараварга, савдо 23.7 бараварга, бошқа тармоқлар 38.7 бараварга, маҳсулотларга солинадиган соғ солиқлар ва экспорт – импортдан тушум 18.3 бараварга қўпайган. Бу натижалар эса ўз навбатида мамлакат барқарор иқтисоди ўсиш

тенденциясига эга эканлигидан далолат беради. Мамлакатнинг иқтисодий сифат кўрсаткичларни ифодаловчи аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, саноат маҳсулотлари, асосий капиталга киритилган инвестициялар, чакана савдо айланмаси, экспорт ҳажми, импорт ҳажми мос равища 29.83, 26.41, 30.21, 21.67, 3.77, 3.82 бараварга қўпайган. Мамлакат меҳнатсамарадорлиги кўрсаткичи ҳам ижобий ўсиш тенденциясига эгадир. Ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилган инвестициялар самарадорлиги нисбаттан ижобий натижалар бермоқда, қазиб олиш тармоқларига жалб этилган инвестициялар самарадорлиги салбий натижаларга эга, бу эса ўз навбатида ушбу соҳадаилмий тадқиқотлар олиб борилишини тақазо этади.

Мамлакат келажакда барқарор иқтисодий ўсиш тенденцияларини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни ривожлантиришда иқтисодиётни прогнозлаш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси асосий макроиктисоди ривожланиш тенденцияларидан фойдаланиб қилинган эконометрик тахлил ва тузилган моделлардан кўриниб турибдики, малакатда меҳнат қайтими 1.44 бараварга, энергия қайтими 1.5 бараварга, материал қайтими 1.2 бараварга, ҳосилдорлик 1.3 бараварга ошган, капитал қайтими 0.71 бараварга камайган. Мамлакат иқтисодиётида иқтисодиётда иш билан банд аҳолининг ялпи ишлаб чиқариш билан эластиклик коэффиценти 1.21 гатенг бўлса, капиталники 0.07 га тенг бўляпти. Бу эса малакат иқтисодиёти капитал қайтимининг камайиш тенденциясига эга эканлигининг таъсиридир. Тренд моделига кўра мамлакат ЯИМ ҳажми 2014 йилда 8.2 % га, 2015 йилда 8.1 % га ўсиши куттилмоқда. Асосий капиталга киритилган инвестициянинг тренд моделига кўра 2014 йилда инвестиция ҳажми 2000 йил нархларида 2907.714 млрд. сўмни ташкил этади, бу эса ўз навбатида, ЯИМни 8.25 %га ўсишига олиб келади. Ялпи ички маҳсулот ва уни ташкил этувчилари орқали тузилган омилли модел кўрсатадики, саноат маҳсулотларининг эластиклик коэффиценти 1.94 га, қурилиш 0.87 га, қишлоқ хўжалиги 0.83 га, савдо 0.49 га, маҳсулотларга солинадиган соф соликлар ва экспорт-импорт операциялари 0.98 га тенг. Олиб борилган изланишлар натижасига кўра,

истеъмол функцияси кўйидаги кўринишга эга $C = 582.42 + 0.67Y_d$, демак, аҳоли ялпи даромадини 33 % ни жамғармага, 67 % ни истеъмолга сарфлайди. Бу эса ўз навбатида, мамлакатнинг капитал билан қуролланиш даражасика таъсир кўрсатади. Мамлакат аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи маҳсулот билан жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари, асосий капиталга киритилган инвестиция, чакана савдо айланмаси, экспорт, импорт эластиктик коэффиценти мос равища 1.95, 4.19, 2.61, 7.18, 9.33 га тенг бўлмоқда. Бу билан мамлакат иқтисодий сифат кўрсаткичларининг ўзаро алоқадорлиги ифодаланиб, мамлакатни келажақдаги истиқболларини уларга таянган ҳолда тузиш имконини беради. Олинган натижалардан кўриниб турибдики республика иқтисодиёти барқарор ўсиш тенденцияларига эга бўлиб, фақат керакли индикаторларни керакли микдорда ошириш зарурдир. Бу билан мамлакат барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш мумкин бўлади.

Мамлакат иқтисодиёти барқарор иқтисодий ўсиш тенденцияларини мустахкамлаш, иқтисодий ривожланишга эришиш кўйидаги чора тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз:

- Капитал қайтимини ижобийлаштириш учун ишчиларнинг малакасини ошириш ва юқори малакали кадрларни ишга жалб этиш;
- Капитал ва меҳнат каби омилларнинг ялпи самараадорлик кўрсаткичларини ижобийлигини таъминлаш мақсадида, инсон капиталини ривожлантирган ҳолда баланслаштириш;
- Монопол маҳсулотларнинг ЯИМ даги улуши ва ЯИМ ўртасидаги салбий корреляцион боғланишлигидан келиб чиқиб, монопол корхоналар сониникамайтириш, натижада кучли рақобат мухитини юзага келтириш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш муҳим бўлиб ҳисобланади. Республикада давлат томонидан инсон капиталини ривожланиши учун етарли шарт шароитлар яратилган. Лекин, юзага келган вазиятдан келиб чиқиб, ўйлаймизки, инсон

капиталини ривожланиши учун қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш самарали натижалар бериши мумкин.

- Ўрта маҳсус таълим босқичида ўқитилаётган билимларни чуқурроқ ўқитиш, талаба ёшларга ушбу босқичнинг кераклилик даражасини етарли даражада тушунтириш, Ўзбекистон Республикаси конституциясининг ота – оналарнинг фарзанди олдидаги бурчлариконунидан келиб чиқиб, талабаларнинг ота оналарини ўқув жараёнида фаол жалб этиш;
- Назариянинг амалиётдан узилишини бартараф этиш мақсадида профессор – ўқитувчилрни ишлаб чиқаришда малакасини оширишни йўлга қўйиш;
- Олий таълим муассасалари хузурларида инновацион технопаркларни ташкил этиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

- 1.1 Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонуни Т.: Lex.uz 1997.
- 1.2 Ўзбекистон Республикасининг “Божхона кодекси” Т.: Lex.uz 1998.
- 1.3 Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни Т.: Lex.uz 1998.
- 1.4 Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни Т.: Lex.uz 2000.
- 1.5 Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни Т.: Lex.uz 2006.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

- 2.1 “Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш маъсулиятини ошириш чора – тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 30 март, ПФ – 3047 – сон.
- 2.2 “Ўзбекистон Республикасида нақд хорижий валюта муомаласини тартибга солиш борасида қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида” 2002 йил 27 июн, ПФ – 3099 – сон.
- 2.3 “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш чора – тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 26 сентябр, ПФ – 3321 – сон.
- 2.4 “Иқтисодиётни реал сектори корхоналарини қўллаб – қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора – тадбирлари дастури тўғрисида” 2008 йил 28 ноябр, ПФ – 4058 – сон.
- 2.5 “Нақд пул муомиласини такомиллаштириш ва банқдан ташқари пул айланмасини қисқартириш борасида қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида” 2005 йил 15 апрел, ПҚ – 57 – сон.

2.6 “2012 – 2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида” 2012 йил 21 май, ПҚ – 1758 – сон.

2.7 “2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 2010 йил 15 декабрь, ПҚ – 1442 – сон.

2.8 “2012 – 2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида” 2012 йил 10 май, ПҚ – 1754 – сон.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

3.1 Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995.

3.2 Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни барқарор ривожлантириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон 2008.

3.3 Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

3.4 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруzasи

IV. Асосий адабиётлар

4.1 Алимов И.Р., Хуррамов А.Ф., Маматов А.А. Макроиктисодий барқарорлик ва ялпи ички маҳсулот. – Т.: Фан, 1999.

4.2 Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. – М.: ДИС, 1999.

4.3 Афанасьев В.Н., Юзбашев М.М. Анализ временных рядов и прогнозирования. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2001.

4.4 Бабешко Л.О. Основы эконометрический моделирования: Учеб. Пособие – М.: Ком Книга, 2007.

- 4.5 Больсис О.А., Зоскявичюс В.А. Методы анализа макроэкономических структурных сдвигов. – М.: МГУ 1998.
- 4.6 Воркуев Б.А. Модели макроэкономики. – МГУ, 2004
- 4.7 Замков О.О., Толстопятенко А.В., Черемных Ю.Н. Математические методы в экономике под ред. проф., д.э.н. Сидоровича А.В. 2-е изд.. М.: Дело и сервис, 1999.
- 4.8 Мэнкью Н.Г. Макроэкономика. М.: - МГУ 1994.
- 4.9 Туманова Е.А., Шагас Н.А. Макроэкономика элементы продвинутого подхода. Учебник. М.: - ИНФРА – М, 2004.

V. Қўшимча адбиётлар

- 5.1 Қобилов А.Ў. Иқтисодий ўсиш ва жамғармани тартибга солиш жараёнларини моделлаштириш.: иқт. фан. ном. дисс. автореф. – Т.: ТДИУ, 2004.
- 5.2 Мадрахимов У.А. Повышение эффективности факторов экономического роста в Узбекистане. Автореф. дисс. конд. экон. наук. Т.: АНРУ, 2008.
- 5.3 Пулатова Р.Х. Жамғариш самарадорлигини оширишни эконометрик моделлаштириш (Ўзбекистон Республикаси мисолида).: иқт. фан. ном. дисс. автореф. – Т.: ТДИУ, 2000.
- 5.4 Робимов А. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ўсишини эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш.: маг. дисс. – Т.: ТДИУ, 2012.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўплам ва ҳисоботлар

- 6.1 Чепель С.В. Эконометрика – современный инструментарий экономического анализа // Журнал бозор пул ва кредит. – Т.: 2004.
- 6.2 Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг) и прогноз на 2011 – 2015 гг статистический сборник. – Т.: O'zbekiston, 2011.
- 6.3 Йиллик статистик тўплам 2012. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Тошкент, 2013 йил.

VII Интернет сайты

- 7.1 www.gov.uz
- 7.2 www.norma.uz
- 7.3 www.stat.uz
- 7.4 www.lex.uz
- 7.5 www.worldbank.com
- 7.6 www.google.uz
- 7.7 www.wikipedia.com
- 7.8 www.yandex.ru
- 7.9 www.mail.ru

ИЛОВАЛАР


1-илова

Ўзбекистон Республикаси асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари амалдаги нархларда (млрд. сўм).

Кўрсаткич лар	2000	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Ялпи ички маҳсулот	3255,6	38969,8	49375,6	62388,3	78764,2	96589,8	118986,9
Саноат маҳсулоти	1888,9	23848	28387,3	34499,1	42158,8	51059,3	61105,8
Истеъмол товарлари	921,5	7503,7	8990,4	11780,5	15166,5	18292,7	22665,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	1387,2	11310,7	13628,6	16774,7	21636,3	24370,3	30849,4
Асосий капиталга киритилига и инвестици ялар	744,5	9555,9	12531,9	15338,7	17953,4	22797,3	27557,3
Чакана товар айланмаси	1787,5	12682,3	16874,6	21872,8	28539	36946,4	47463,7
Пуллик хизмат кўрсатиш	309,9	4627,1	6045	7858	10520,9	13614,1	18278,6
Ташки савдо айланмаси	6212,1	21197,3	21209,6	22199,2	26059,3		28894,8


2-илова

ЯИМ тариби амалдаги нархларда (млрд. сўм)




3-и лова

Саноат маҳсулотлари таркиби таҳлили амалдаги нархларда (млрд сўм).




4-и лова

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти самарадорлик кўрсаткичлари




5-илова

Айрим ривожланган мамлакатларнинг ЯИМнинг ўсиш суръатлари




6-илова

Ривожланган мамлакатларда ишсизлик даражаси




7-илова

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши



8-илова

Ўзбекистонда 2012 йилда нархлар ўзгаришининг инфляцияга таъсири,
фоизда



9-илова

Давлат бюджети кўрсаткичларининг бажарилиши, фоизда

